

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338, (519)
ББК: 65,5 (5кор)
К-27

Қосимова Шахло Абдуғофуровна

**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИНТАҚАВИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

5А 341401– Корейшунослик

“Магистр” академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:
проф.Солиев А.С.

Тошкент – 2012

РЕЖА

КИРИШ.....	3-6
1 БОБ. МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	7-29
1.1. Минтақавий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари.....	7-11
1.2. Минтақа иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари.....	11-17
1.3. Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асослари.....	17-29
2 БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	30-59
2.1. Корея Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудлари.....	30-37
2.2. Корея Республикаси кластер ривожланишида “Дедок” иннополисининг ўрни.....	37-59
3 БОБ. XXI АСР БОШЛАРИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	60-85
3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Корея Республикаси иқтисодий тараққиётига таъсири ва уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар.....	60-73
3.2. Ўзбекистондаги Навоий индустриал иқтисодий ҳудудини ташкил этишда Корея Республикасининг ўрни.....	73-85
ХУЛОСА.....	86-90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	90-94

Магистрлик диссертацияси ҳимоя қилишга рухсат берилди.

Магистратура бўлим бошлиғи

доц. Хабибуллаев А.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Индустриаллаштиришнинг бошланғич босқичларида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини интенсив ривожлантиришда жойларда замонавий базавий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини шакллантириш ҳисобига чекланган бюджет маблағларини концентрациялаш мақсадида давлат томонидан саноат паркларини яратиш қўллаб-қувватланган. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар стратегияси иқтисодиётнинг ҳамма бўғинларида янги хўжалик муносабатларини мажмуавий ривожлантириш, бошқарувнинг эгилувчан ва мослашувчан тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабларини тўлароқ кондиришдан иборатдир. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви кузатилмоқда. Зеро муҳтарам юртбошимиз И.А.Каримов ўзларининг жорий йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган нутқларида таъкилаганларидек: “2010 йилда “Навоий” эркин индустриал–иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида ҳаридоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди”.¹ Мазкур вазифа ҳозирги кунда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда долзарб ҳисобланадиган иқтисодий ўсишга эришишнинг бир қатор назарий асослари мавжуд бўлиб, улар орасида энг асосийларидан эркин иқтисодий ҳудудларни барпо этишдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Корея

¹ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга ҳаракат қилади.” Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.press-service.uz

саноат сиёсатида ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётдаги технологик укладлар ўзгаришига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корея Республикаси иқтисодиётини тадқиқ этиш, ва, айниқса, унинг АСЕАН даги ўрнини тадқиқ этиш XX аср охири ва XXI аср бошларида муҳим илмий аҳамиятга эга изланиш деб қаралмоқда. Ушбу муаммо билан, хусусан чет эл олимларидан Й.Г. Фон Тюнен, В.Лаунхард, А.Вебер, А.Пределъ, А.Леш, Р.Горц, Х.Зиберт, В.Кристаллер ва А.Леш ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Мамлакатимиз олимлари илмий ишларида Корея Республикаси иқтисодий фаолияти жараёнларини фаоллаштиришнинг турли жиҳатлари Р.Шодиев, А.Алимов, Г.Мелибаева, Г.Назарова ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ёритилган.

Корея Республикаси иқтисодиёти, унинг минтақавий хусусиятлари билан боғлаб ўрганилган махсус илмий изланишлар амалга оширилмаганлигини ҳисобга олиш керак. Шу сабабдан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Корея Республикаси иқтисодиётини ҳолати ва уни ривожлантириш йўналишлари, инқироз таъсирини юмшатиш жиҳатлари, жаҳон иқтисодиётини барқарорлашувида Корея Республикасининг минтақавий ривожланишининг аҳамияти масалаларини ўрганувичи илмий изланиш олиб бориш зарурати туғилди.

Илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Корея Республикасининг минтақавий ривожланишининг муаммолари ва истикболларини комплекс таҳлил этишдан иборат.

Бу мақсадга эришиш йўлида илмий изланиш олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Минтақавий сиёсатнинг моҳияти ва вазифаларин ўрганиш;
- Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;
- Корея Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудларини таҳлил этиш.
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Корея Республикаси иқтисодий тараққиётига таъсири даражасини таҳлил этиш.

Тадқиқоднинг назарий методологик асоси бўлиб иқтисодиёт назарияси адабиётлари, Корея иқтисодиёти бўйича яратилган махсус илмий ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари хизмат қилади.

Тадқиқод жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг йиллик ҳисоботларидан фойдаланилди. Диссертация ишида умумлаштириш ва таҳлил, индукция ва дедукция, математик усуллар ва графиклар воситасида изоҳлаш, статистик таҳлил, маълумотларни гуруҳлаштириш каби услублардан фойдаланилди.

Магистрлик диссертация тадқиқотининг объекти - Корея Республикасининг минтақавий ривожланишининг хусусиятлари хизмат қилади.

Магистрлик диссертация тадқиқотининг предмети - Корея Республикасининг минтақавий ривожланишининг моҳияти ва вазифалари, уларга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни бозор муносабатлари ва бозор механизми билан боғлаб ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Минтақа иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари таҳлил этилди;
- Корея Республикаси кластер ривожланишида “Дедок” иннополисининг ўрни ўрганилди;
- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Корея Республикаси иқтисодий тараққиётига таъсирини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар таҳлил этилди;
- Ўзбекистондаги Навоий индустриал иқтисодий ҳудудини ташкил этишда Корея Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш йуналишлари бўйича амалий тавсиялар берилди.

Ишнинг амалий аҳамияти — илмий иш алоҳида мамлакатнинг минтақавий ривожланиш хусусиятлари, жаҳон савдо тизимига интеграцияси, ташқи савдосини ривожлантириш, хорижий капитални жалб этиш, экспорт ва импорт сиёсатини такомиллаштиришга оид муаммоларини ҳал этишга қаратилгандир. Ушбу илмий ишдан «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро

иқтисодий муносабатлар” фанини ҳамда “Корея Республикаси иқтисодиёти” каби махсус курсларни ўқитишда ва амалиётда фойдаланиш мумкин.

Ундан ташқари миллий иқтисодиётга хорижий капитални жалб қилиш орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаш, у орқали жаҳон хўжалик тизимида чуқурроқ интеграциялашувни амалга ошириш ҳар қандай мамлакат олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани ҳал қилишда эркин иқтисодий ҳудудлар муҳим аҳамиятга эга. Эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш ва улар орқали хорижий капитални жалб этиш борасида Корея Республикасида жуда бой тажриба тўпланган. Кореяда турли кўринишдаги ЭИҲ мавжуд бўлиб, бу масалада Корея тажрибасини ўрганиш кўплаб мамлакатларда қизиқиш уйғотмоқда.

Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 БОБ. МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

1.1. Минтақавий сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари

Минтақавий сиёсат мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, муҳим табиий-иқтисодий, демографик ва экологик хусусиятларини ҳамда уларнинг ҳудуд ичидаги, ҳудудлараро ва давлатлараро иқтисодий алоқаларини ўрнатади. Бошқача айтадиган бўлсак, минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганишдан иборат.

Минтақавий сиёсат ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий инфратўзилма элементларини, қонуниятларини ва тамойилларини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этади; мамлакат умумий ривожланиш стратегияси ва экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш йўналишларини белгилайди; ҳудудлар иқтисодиётини ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни ўрганади. Бундан ташқари, минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини мамлакат миқёсида яхлит ўрганади, зеро ҳар бир ҳудуд иқтисодиёти энг аввало мамлакат ягона ҳўжалик мажмуасининг таркибий қисмидир.

Шу билан бирга, мамлакат ва ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, мамлакатнинг жаҳон ҳўжалиги тизимидаги ўрни, аҳоли, меҳнат ресурслари ва ҳозирги демографик муаммоларни ўрганади; бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий даражасини таҳлил қилади ва ишлаб чиқариш кучларининг асосий омилларини аниқлайди.

Минтақа - мамлакат ягона халқ ҳўжалик мажмуасининг ҳудудий кичик тизими бўлиб, у демографик, табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва техник-иқтисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабати туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир.

Минтақавий иқтисодиёт предмети ҳудудий молия-кредит муносабатларини ва минтақалардаги қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиш жараёнини ҳам ўрганади.

Шундай қилиб, минтақавий иқтисодиёт - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларини, мамлакат ва ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни табиий-экологик шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўрганадиган фандир.

Ҳозирги пайтдаги минтақавий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан яна бири - иқтисодий кооперация ва минтақалараро ҳудудий меҳнат тақсимотини такомиллаштиришдан иборат.

Минтақалар ривожланишидаги энг муҳим вазифалардан бири - турли ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражаси бўйича тафовутларни бартараф этишдан иборат. Ушбу вазифани бажаришда тараққиёт даражаси паст бўлган ҳудудларни ривожлантириш учун махсус Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиий ресурсларга бой минтақаларда ҳудудий ишлаб чиқариш минтақаларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақавий сиёсатнинг ўрганиш объекти турли кўринишдаги ҳудудий нотенгликлар - аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитидаги, ишсизлик ва бандликдаги, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш суръатларидаги ва тадбиркорлик шароитидаги тафовутлар бўлиб ҳисобланади.

Минтақавий сиёсат - ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солинишидир. Унинг асосий вазифаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига мамлакат барча ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини имкон қадар бир-бирига яқинлаштириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида моддий неъматлар тақсимотидаги ҳудудий тафовутларни энг кам даражага келтириш, марказий ҳукуматнинг бошқарув вазифаларини камайтириб, маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатини оширишга қаратилиши лозим.

Минтақавий сиёсатнинг мақсади - мамлакатнинг яхлит ижтимоий-иқтисодий ривожланишига халақит берадиган, ижтимоий келишмовчиликларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладиган ҳудудий нотенгликларни бартараф этишдан иборат.

Турли мамлакатларнинг марказий ҳукуматлари, ҳудудий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бундай тафовутларни бартараф этиш учун бир қатор (мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат тўзилишининг типи, ички муаммолари, ҳкомият тепасида турган партияларнинг мақсадлари ва б.) омилларга боғлиқ бўлган хилма-хил воситалардан фойдаланадилар.

Минтақавий сиёсатни амалга оширишдан аввал, биринчи навбатда, мамлакатдаги ҳудудий нотенгликларнинг сабабларини ўрганилади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- табиий-иқлим шароитидаги кескин тафовутларни мамлакатнинг айрим ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири;
- минтақалардаги мавжуд табиий ресурслар ҳажми, сифати ва улардан фойдаланиш даражаси;
- минтақаларнинг чекка ҳудудларда жойлашганлиги натижасида транспорт харажатларининг кўпайиши, маҳсулот нархларининг ортиши. Бу эса ўз навбатида бозорнинг торайишига олиб келади. Транспорт ва коммуникацион алоқаларнинг ёмонлиги четда жойлашган минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини қийинлаштиради;
- у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи технологик ривожланиш босқичи (ҳом ашё ресурслари, оралик маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар);
- минтақанинг автономлиги даражаси, сиёсий шарт-шароитлари, ривожланиш тарихи ва б.қ.;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси: аэропортлар, транспорт тармоқлари, саноат майдонлари, телекоммуникацион тизимлар ва ҳ.к. билан таъминланиши;
- ижтимоий-маданий омиллар: шаҳарлашув даражаси, аҳолининг маълумоти, илмий марказларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсат капитал қўйилмалар қайта тақсимланишини таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги 3 йўналишда олиб борилмоқда:

Биринчи йўналиш - кам ривожланган ва саноат тараққиёти паст минтақаларда инфратузилма объектларини барпо этиш ва уларнинг бошқа районлар билан алоқаларини яхшилаш. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат бевосита ишлаб чиқаришга аралашмайди, лекин тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун иқтисодий ва ҳукуқий шароитларни яратиш давлатнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Автомобиль ва темир йўллар, электр тармоқлари, газ ва сув қувурлари, алоқа линиялари мавжудлиги бундай ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига катта ёрдам беради.

Иккинчи йўналиш – юқори даражада ривожланган ва саноати тараққий этган минтақалар, хусусан йирик шаҳарларга нисбатан чеклаш усулларини қўллаш (маъмурий ёки молиявий чеклашлар) орқали амалга оширилади. Бундай минтақаларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришга чек қўйиш орқали ҳудудий тафовутлар кучайишининг олди олинади. Мазкур усул дунёнинг деярли барча тараққий этган мамлакатларида агломерация марказларига нисбатан кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда йирик ва катта шаҳарларга янги саноат корхоналарини жойлаштиришни олдини олиш, кичик шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Учинчи йўналиш - муаммоли минтақаларга саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадида хорижий ва хусусий сармояларни жалб этишни рағбатлантириш. Мазкур йўналиш иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналарни жойлаштиришда давлат томонидан муҳим эътибор бериладиган асосий йўналиш ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минтақавий сиёсатни амалга оширишнинг қуйидаги 2 хил усули кенг қўлланилади:

“Адолатли” усул - ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг шундай турики, унга кўра мамлакат фуқаролари қайси ҳудудда яшашларидан қатъий назар, уларнинг турмуш даражаси деярли бир хил шароит ва имкониятларда бўлиши кўзда тутилади.

“Самарали” усул - умумдават манфаатлари йўлида ҳар бир минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятларидан оқилона фойдаланишга қаратилган усулдир.

Ҳар икки усул турли ҳолатларда ўзаро бир-бирини тўлдирадиган ёки бир-бирига қарама-қарши бўлиши мумкин. Бу эса муайян мамлакат иқтисодий тараққиётнинг қайси поғонасида турганлигига боғлиқ. Иқтисодий салоҳияти катта, ривожланиш даражаси юқори бўлган АҚШ, Канада, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатлари минтақавий сиёсатида “адолатли” усул кенг қўлланилади.

1.2. Минтақа иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг мақсад ва воситалари

Ўтган асрнинг 70- йилларигача «иқтисодий ривожланиш» дейилганда мамлакатнинг ишлаб чиқаришни аҳоли ўсиш суръатларидан юқорироқ суръатларда ошириш қобилияти тушунилар, ривожланиш жараёнининг миқдорий ўлчови сифатида «иқтисодий ривожланиш даражаси» тушунчаси хизмат қилар, у мамлакат миллий даромадини унинг аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланар эди.

Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Демак, миллий даромадининг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлиб, аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ортган мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси шунчалик оша боради.

Таҳлиллар кўрсатадики, ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги юқори ўсиш суръатларига эришган бўлса-да, бу борадаги кўрсаткичларни узок вақт сақлаб қола олишмаган. Чунки уларда иқтисодий ўсиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишга олиб келмаган.

Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, «иқтисодий ривожланиш» тушунчаси сифат жиҳатидан бойитилиб, миллий иқтисодиёт тузилмаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар нисбати, экспорт таркиби, мамлакат аҳолисининг маълумот даражаси, эҳтиёжлари таркиби ва бошқалар билан фойдалана бошлади. Кейинчалик эса иқтисодий тадқиқотлар

чуқурлашуви билан ривожланишга ижтимоий ва сиёсий омиллар сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи кўп қиррали жараён сифатида қаралди.

«Иқтисодий ривожланиш» тушунчаси ўтган асрнинг охири чорагида мазмунан чуқурлашди. Бунга фан-техника инқилоби ва унинг таъсирида ишчи кучи сифатига қўйиладиган талаблар ошиши сабаб бўлади. «Инсон капитали» қўйилмалари самарали иқтисодий ўсишни таъминловчи объектив зарурият сифатида тан олинади.

Жаҳон банки маърузасида (1991й.) иқтисодий ривожланишга инсон таракқиётига қаратилган жараён сифатида қаралди. Унда таъкидланишича, «таракқиётнинг мақсади – ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади. Ҳаёт сифатининг яхшиланиши, хусусан, камбағал мамлакатларда, энг аввало, даромадлар кўпайиши ва фақат бугина эмас, балки, яхшироқ таълим олиш, овқатланиш ва соғлиқни сақлаш имкониятлари тенглигини, шахсий эркинликни кенгайтириш ва бой маданий ҳаётни кўзда тутди»².

Юқоридаги таърифда шу нарсага эътибор бериш керакки, ҳаёт сифатининг яхшиланиши биринчи навбатда барча аҳоли даромадларининг ўсишига – мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларининг ўсишига боғлиқ қилиб қўйилади.

Энди эса «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасини кўриб чиқайлик. Ушбу тушунчанинг муайян таърифлари мавжуд. Масалан, Кушкин В.И. таҳрири остидаги чиққан дарсликда ифодаланишича, «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш – ваколатли давлат органлари, ташкилотлари томонидан маълум бир ижтимоий-иқтисодий вазифалар, мақсадларга эришишга қаратилган қонунчилик ва назорат характеридаги чора-тадбирлар тизимини қўллаш ҳисобланади»³.

Булатов А.С. таҳрири остидаги дарсликда эса ушбу тушунча қуйидагича таърифланган: «иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш – бу, давлатнинг, жамиятнинг хўжалик ҳаётига ва у билан боғлиқ бўлган

² World Development Report. 1991/N/Y/^ Oxford University Press? 1991.P4.

³ Государственное регулирование рыночной экономики: Учебник для вузов// Под общ.ред. Кушлина В.И., Волгина Н.А.; ред.кол.: Владимирова А.А. и др. – М.: ОАО НПО «Экономика», 2000 - 210-б

ижтимоий жараёнларга таъсир этиш жараёни бўлиб, унинг натижасида маълум бир доктринага асосланган давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати амалга оширилади»⁴.

Биз иккинчи таърифни маъқул кўрамиз, чунки у республикамиз шароитига мосроқ.

Энди эса, «худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» тушунчасига таъриф бериб кўрайлик ва унинг ўзи нимани англатишини аниқлайлик. Таъриф беришдан олдин ушбу тушунчанинг зарурияти нимада эканлигини кўриб чиқайлик.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни давлат томонидан самарали бошқаришга маҳаллий хусусиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилгандагина эришилади. Бунда республика ҳокимият органлари эътибори умуммиллий хусусиятдаги қарорларни қабул қилиш, иқтисодиёт ривожланишининг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва шу асосида фаолият кўрсатиш, қонунни ҳимоя қилиш ва ҳимоялаш каби ишларга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, худудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурияти ижтимоий-иқтисодий муаммоларни (бандлик, ижтимоий ҳимоя, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқалар) ўзларига бириктирилган даромадлар манбаалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади.

Демак, худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан худудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир этиш воситаси бўлиб, унинг натижасида худудий сиёсат рўёбга чиқади.

«Худудий сиёсат» атамаси кенг тарқалган бўлсада ҳали унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу ўринда ундан «худудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш» атамасига синоним

⁴ Экономика. Учебник. 3-е изд, перераб. и доп. / Под ред.д.э.н., проф. А.С.Булатова. _М.: Юристъ, 2000 - 220-б.

сифатида фойдаланамиз, чунки худди шундай мазмун ғарб адабиётларида «худудий сиёсат» атамасига берилади.

Турли муаллифлар «худудий сиёсат»га турлича таъриф беришади. М.В.Степанов таҳрири остидаги ўқув қўлланмада айтилишича, «худудий сиёсат – давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми. У ўз ичига ҳам марказий (республика), ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган ҳамда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жараёнларини тартибга солишга қаратилган турли хил қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий тadbирлар мажмуасини олади»⁵. «Бизнеснинг катта изоҳли луғати»да (Colins) эса, «худудий сиёсат – бу, мамлакатнинг турли хил жуғрофий районлари ўртасида саноат фаолиятининг, бандлик ва фаровонликнинг мувозанатлашган тақсимотини ўрнатиш билан шуғулланувчи сиёсат»⁶ дейилган.

Хуллас, «Худудий сиёсат»нинг таърифлари кўп. Уларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, худудий сиёсат марказий (республика) ҳокимият органларининг худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига танлама таъсир кўрсатиш мақсадидаги хатти-ҳаракатларидир. Худудий сиёсатнинг бош мақсади – ижтимоий зиддиятлар юзага келишига замин яратувчи, мамлакат ёки унинг худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилувчи тенгсизликларни мумкин қадар камайтиришдан иборат.

Давлат худудий сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

- мамлакатда худудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;
- худудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартларни ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;
- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;

⁵ Региональная экономика: Учебное пособие. Под ред. М.В.Степанова. – М.: ИНФРА-М, Изд-во Рос.эконом.акад., 2001 – 15 – 16 – б.

⁶ Пасс К. и др. Большой толковый словарь бизнеса, Русско-английский, англо-русский. – М.: Вече, АСТ, 1998 – 469 – б

- атроф - муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, ҳудудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;
- ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудларни устувор ривожлантириш;
- ҳудудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;
- ўз - ўзини бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, минтақаларда кўп укладли иқтисодиётни, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантиришга, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги жуда ҳам катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма - босқич яратиш;
- ҳудудлар иқтисодий тузилмасининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даражасига эришиш, бозор шароитида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ҳудудлараро инфратузилмавий тизимларни (транспорт, алоқа ахборот ва бошқалар) ривожлантириш;
- экологик ва фавқулодда ҳолатларга учраган, ишсизлик даражаси юқори бўлган, демографик ва миграцион муаммолар мавжуд ҳудудларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш.

Энди эса ҳудудий сиёсат воситаларини кўриб чиқамиз. Сиёсатни амалга ошириш воситалари сифатида микро ва макро даражада қўлланиладиган турли хил бевосита ва билвосита, маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий регуляторлар (инструментлар) хизмат қилади. Ҳудудий сиёсатни амалга ошириш воситалари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогноз қилиш.
2. Ҳудудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан - тўғри иштироки.

3. Давлат буюртмаларини жойлаштириш.
4. Маҳаллий ҳокимият имкониятлари чегараланган фаолият соҳаларида ҳудудларга ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот кўмагини кўрсатиш.
5. Иқтисодий механизм ва регуляторларни қўллаш.
6. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш.

Прогноз қилиш – ҳудудий тараққиёт стратегиясини илмий асослаш ва ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқишнинг муҳим таркибий қисми, прогнозларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад – юз бераётган ва кутилаётган жараёнларнинг ривожланишини, ҳудудий сиёсат ва уни амалга ошириш воситалари вариантлари, у ёки бу бошқарув қарорлари оқибатларини баҳолаш.

Минтақавий сиёсатни амалга ошириш шаклларида бири давлатнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлари ҳисобланади. Уларга ҳозир ҳам, келажакда ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироки манзилли тартибга солиш йўлларида бири сифатида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин.

Ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

Ҳудудий ривожланишнинг макроиқтисодий регуляторлари давлатнинг солиқ, кредит, инвестицион, нарх, ижтимоий ва бошқа сиёсатларининг ҳудудлар бўйича дифференциациялашган параметрлари сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

1.3. Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий ва услубий асослари

Худудий назарияларни ўрганишга охирги ўн йилликларда нисабатан камроқ эътибор берилди. Тўғри, худудий иқтисодиёт бўйича анчагина тадқиқотлар қилинди. Уларнинг натижалари китоб ҳолида нашр этилди. Аммо, худудий иқтисодиётнинг назарий асослари уларнинг айримларидагина кўриб чиқилди. Биз мавжуд худудий назарияларни минтақалар иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг амалий масалаларини ҳал этишда фойдаланиш имконияти нуқтаи назарида таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Худудий сиёсат назариялари худудлар иқтисодий ривожланишининг давлат томонидан тартибга солиш йўналишларини шакллантиради. Бироқ бу назарияларнинг ўзинигина ўрганиш билан чегараланиб қолиш тўғри эмас, чунки улардан кўпи минтақаларнинг иқтисодий ўсиши назарияларига асосланган (бошқача қилиб айтганда, минтақаларнинг иқтисодий ўсиш суръатларида фарқлар юзага келишига сабаб бўлувчи омилларни аниқламасдан туриб, худудий сиёсат ҳақида гапириш нотўғри).

Худудий ўсиш назарияларини кўриб чиқишда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчиси – худудларга иқтисодий ўсиш моделларини қўллаш. Бундай моделларни мамлакат иқтисодиётининг ўсишини изоҳлаш учун ишлаб чиқилган моделларга ўхшатиш мумкин (development economics). Иккинчиси эса, алоҳида корхона ва фирмаларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил этишга асосланган, чунки минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини, авваламбор, уларнинг фаолиятигина аниқлаб беради. Компаниялар ўз фаолиятини у ёки бу худудда олиб боришларининг сабаблари жойлаштириш назариялари орқали кўриб чиқилади.

Таҳлил этилаётган назарияларни ишлаб чиқиш билан ҳам иқтисодий география мутахассислари, ҳам иқтисодчилар шуғулланишган. Чунки иқтисодий география билан худудий иқтисодиёт ўртасида аниқ бир чегара ўрнатиш иложи йўқ.

Турли мамлакатларда худудий назарияларнинг турли йўналишларига устуворлик берилган. Энг кучли илмий мактаблар Германия, Швеция, Буюк

Британия, АҚШ ва Францияда шаклланган. Германияда анъанавий равишда кўпроқ жойлаштириш назарияларига (Й.Г. Фон Тюнен, В.Лаунхард, А.Вебер, А.Предель, А.Леш, Р.Горц ва бошқалар); ҳудудий ўсиш муаммоларини тадқиқ этишга (Х.Зиберт) ва ҳудудий ривожланишни тартибга солишга (В.Кристаллер ва А.Леш) эътибор қаратилган.

XX асрнинг биринчи ярмида жойлаштириш назариялари билан Стокгольм мактаби доирасида Швецияда фаол шуғулланишган. 1920 – 1930 йилларда Т.Паландер ишлари машҳур бўлган. Сал кейинроқ Г.Мюрдаль ҳудудий ўсишнинг асос моделларидан бирини яратди. Минтақашунослар орасида ҳам жойлаштириш, ҳам ҳудудий ривожланишни тартибга солиш назарияларининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган Швед олим Х.Хегерстранднинг ҳам номини айтиб ўтиш мумкин.

Француз иқтисодчилари ва иқтисодий географияшунослари ижтимоий масалаларга доим катта қизиқиш билан қарашган. Ҳудудий назарияларда улар «ўсиш кутблари» ва «ривожланиш ўқлари» урбанистик концепция билан боғлиқ бўлган илмий йўналишлар ривожланишига катта ҳисса қўшишган (Ф. Перу, Ж.Р.Будвиль, П.Потье).

Ҳудудий назариялар соҳасида Россия иқтисодчилари ва географлари томонидан ҳам катта тадқиқотлар амалга оширилган. Улар асосан ғарб олимлари фикрларини ривожлантирганлар. Бу борада айниқса, университет район мактабининг иқтисодий ва ижтимоий география вакиллари ўзига хос хусусиятга эга бўлишган. Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский, И.А.Вити, Ю.Г. Саушкин каби олимлар ушбу йўналишни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлар.

Жойлаштириш назариялари. Жойлаштириш назарияларини статик ва динамик назарияларга ажратиш мумкин. *Статик назариялар* XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ пайдо бўлган. *Динамик назариялар* эса бир асрдан сўнг - XXаср бошларида юзага келган. *Дастлабки жойлаштириш назариялари* ҳозирда *классик стандарт назариялари* деб аталиб, улар Й.Г.Фон Тюнен, В.Лаунхард, А.Вебер номлари билан боғлиқ. Ушбу назарияларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- алоҳида олинган бирор қишлоқ хўжалик ёки саноат корхонасининг кўриб чиқилиши;
- жойлаштиришнинг барча омиллари тўғрисида маълумотларни тўплаб, уларни умумлаштириб, корхонани қуриш (ишлаб чиқаришни жойлаштириш)нинг оптимал жойи тўғрисида аниқ жавоб олиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар мавжудлиги.

Й.Г. Фон Тюнен товар ишлаб чиқаришнинг объектив қонуниятлари мавжудлигини аниқлаган биринчи олим ҳисобланади (унинг биринчи иши 1826 йилда пайдо бўлган). Тюнен қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозори ва саноат маҳсулотлар билан таъминловчи шаҳаргача бўлган масофага қараб жойлаштириш, ихтисослашиш ва қишлоқ хўжалигини юритиш усуллари танлаш моделларини таклиф этди. Тюнен моделида жойлаштиришнинг асосий омили сифатида транспорт харажатлари намоён бўлади.

В.Лаунхард ҳам саноат корхоналарини кўриб чиқиб, транспорт омили ҳал қилувчи омил, деб ҳисоблаган. У саноат корхоналари жойлашадиган жой тўғри танланганлигини хом ашё, ёрдамчи материаллар ва тайёр маҳсулотларни келтириш учун транспорт харажатларини минималлаштириш билан асосланган эди.

А.Вебер саноатни жойлаштиришнинг тўлиқ назариясини (XX асрда пайдо бўлган) биринчи бўлиб ишлаб чиққан олимдир. Вебер назариясига кўра, оптимал жойлаштиришнинг асосий мезони ишлаб чиқариш ва сотишнинг жами харажатларини минималлаштириш саналади. Бунда транспорт, меҳнат, хом ашё ва энергия харажатлари ҳамда агломерация омили ҳам ҳисобга олиниши керак.

Классик стандарт назариялар 1920 йилларда А.Предел ва Т.Паландер томонидан танқид қилинади. А.Предел мувофаққиятли жойлаштириш жойларини кўрсатиб ўтган (яъни оптимал жойлаштириш жойини математик аниқлаш имкониятини инкор этган). Т.Паландер махсус (турли хил тармоқдаги корхоналар учун) ва умумий стандарт назарияларини таклиф этди.

Жойлаштириш назариялари ривожланиши янги босқичининг (тахминан XX аср ўрталарида бошланган) кўзга кўринган вакиллари Август Лёш ва Дэвид Смит ҳисобланади. Уларнинг назариялари янги ёки неоклассик стандартлар билан аталади (бу ерда «неоклассик» тушунчасининг неоклассик иқтисодиёт назариясига алоқаси йўқ). Неоклассик назариянинг классик назариядан фарқи шундаки, унда ишлаб чиқарувчилар оптимал ҳудудий жойлашувни таъминлай олувчи саноат ишлаб чиқариши жойлашувининг умумий назариясини яратиш мумкин эмаслигини тушуниб етишлари ҳисобланади. Унга кўра, хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришнинг жойлашиш жойини танлаш субъектив амалга оширилади. Оптимал жойлаштиришнинг мезони соф фойдани максималлаштириш ҳисобланади.

Статик назарияларнинг ривожланиши ҳозиргача давом этмоқда. Улар асосан корхонани жойлаштириш омиллари сонининг кўпайиши йўналишида содир бўлмоқда. Ундан ташқарии, бир заводли эмас, балки кўп заводли саноат фирмалари кўриб чиқила бошланди (Райнхольд Гроцнинг 1980 йиллар бошларидаги ишлари). Айнан кўп заводли саноат фирмалари ҳаётда кўп бўлиб, аксарият ҳолларда уларнинг таркибига иқтисодиётнинг учинчи сектори корхоналари ҳам киради. Бундай компанияларда оптимал жойлаштириш муаммосига ёндашув бир заводли фирмаларга нисбатан тубдан фарқ қилади. Кўп заводли фирманинг асосий мақсади таркибидаги корхоналарни шундай жойлаштиришки, бундай жойлаштириш натижада минимал ва компания фойдаси максимал бўлсин.

Жойлаштиришнинг динамик назариялари, юқорида айтиб ўтилганидек, XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келди. Биринчи содда динамик концепция сифатида Х.Хотеллинг моделини айтиш мумкин. У 1920 йиллардаги ишида бир - бири билан ўзаро рақобатлашадиган иккита ишлаб чиқарувчи корхонани оптимал жойлаштиришни исботлаб берган.

Динамик назарияларда статик назариялардан фарқли равишда кўпроқ кўп заводли компаниялар кўриб чиқилади. Р.Вернонинг маҳсулот ишлаб чиқариш цикли концепциясини гарчи, у минтақавий назария доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ҳам, жойлаштиришнинг динамик назарияси деб

ҳисоблаш мумкин (1960 йилларда пайдо бўлган). Вернонинг асосий тезиси шундан иборатки, ҳар бир маҳсулот чегараланган ҳаётӣй циклга эга бўлиб, шу даврда ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уни оптимал жойлаштиришда ўзгаришлар рўй бериб туради. Маҳсулотнинг ҳаётӣй цикли бир қанча босқични (ишлаб чиқариш, ўзгартириш, улғайиш, стандартлаштириш) ўтайди. Улар бир-биридан жойлаштиришнинг асосий омилларидаги нисбатлари билан фарқ қилади.

Ҳудудий ўсиш назарияларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ишлаб чиқариш функциясига асосланган неоклассик назариялар, иккинчисига неокейнсчилар, институционаллар ва иқтисодчи – географияшунослар моделларининг синтези бўлган кумулятив ўсиш назариялари киради (аниқроқ қилиб айтганда эса, биринчи бўлиб кумулятив ўсиш моделини институционалистлар таклиф этишган, сўнг уни иқтисодчи-географияшунослар ривожлантиришган, неокейнсчилар эса ҳудудий сиёсат тадбирларини амалга оширишда унга таянишган).

Неоклассик мактаб ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда ҳудудий ўсиш суръатларидаги фарқлар йўналишидаги дастлабки тадқиқотлар умуммиллий иқтисодий ўсишни тушунтиришда фойдаланилган назарияларга асосланган. Ушбу усулни биринчи бўлиб Дж.Борс қўллаган.

Бундай ёндашув 1960 йилларнинг ўрталаригача машҳур бўлган, ундан ҳозирги пайтда ҳам фойдаланилади. Бу ерда асосий эътибор иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга йўналтирилган омилларга қаратилади. Ушбу ёндашувга кўра, ҳудудий ўсиш параметрлари табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати, меҳнат ресурсларининг миқдори ва малакаси, капитал захираси ва технология даражаси билан аниқланади.

Ўсишнинг кўпгина охириги неоклассик моделларида дастлабки моделлар каби капитални инвестициядан келадиган даромад кам, юқори ривожланган ҳудудлардан инвестицион даромад юқори бўлган, сустривожланган ҳудудларга кўчириш йўли билан ҳудудлар ўртасидаги фарқларни камайтиришга интилишлар мавжуд. Аксинча, иш ҳақи даражаси паст ҳудудларда даромадлар камроқ бўлади, шунинг учун ҳам меҳнат ресурслари кўпроқ ривожланган ҳудудларга кўчиб ўтишади. Бироқ охириги

неоклассик моделларда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бир-бирига яқинлаштириш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашилган.

А.Леш шуни таъкидлаганки, тенглаштириш фақатгина стихияли бозор кучлари орқали жуда ҳам секин амалга ошади.

Кумулятив ўсиш назарияларида асосий модель муаллифлиги Г.Мтордальга тегишли. Кўп ҳолатларда у бутун бир мамлакатлар мисолида, қай тарзда ихтисослашув ва миқёс самараси ёрдамида арзимас устунликларга эга бўлган ҳудудлар вақт ўтиши билан уни кўпайтиришлари мумкинлигини кўрсатади.

Ушбу ёндашувдан шундай ҳулосага келиш мумкинки, ўсиш марказлари (кутблари) каби ҳудудлар устунликлари уларнинг тез ривожланишини таъминласа, бир пайтнинг ўзида кам ривожланган минтақалар орқада қолиши янада чуқурлашиши мумкин. Ушбу концепция Н.Колдора ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида математик кўринишга келтирилган.

Ўзига хос «ўсиш кутблари», йирик саноат марказларига айланаётган шаҳарлар тўпламининг шаклланиши ҳақида Х.Ричардсон ҳам ёзган. Унинг фикрича, айнан ҳудудий агломерацион тежам муҳити бунда муҳим роль ўйнайди. У техника тараққиётини ва меҳнат унумдорлигини рағбатлантиради, корхоналарни жойлаштириш жараёнларига кучли таъсир кўрсатади. Ричардсон модели асосида неоклассик моделдаги каби функция ётади. У ўсиш суръатлари билан капитал жамғариш суръатлари, меҳнат таклифининг кўпайиши ва техника тараққиёти тезлиги ўртасидаги алоқаларни акс эттиради.

Дж. Фридман фикрига кўра, иқтисодий ўсиш кўпроқ шаҳарларда юз беради (бироқ олимлар-урбанистлар фақатгина устунликларни эмас, балки йирик шаҳарларнинг камчиликларини ҳам айтиб ўтадилар). Фридман «марказ-периферия» назариясининг классиги ҳисобланади. У мамлакатда ўсиш марказлари (улар «ядро»лар деб аталади) шаклланишининг тўрт босқичини ажратади:

1. Ўз атрофидаги ҳудудларга кам таъсир кўрсатувчи локал ядроларнинг мавжудлиги.

2. Кенг периферияга таъсир кўрсатувчи ва ўсиш қутбларини шакллантирувчи энг кучли ядронинг пайдо бўлиши.
3. Ўсиш қутбларида потентрик тузилма шаклланишига олиб келувчи яна кўпгина ядроларнинг ривожланиши.
4. Ядроларнинг баққуват периферияга эга урбанистик полиареал тузилмага айланиши.

Чекка (периферия) ҳудудларнинг (ривожланиш марказида ва улардан ташқарида бўлган) ривожланишини тасвирлашда Дж. Фридман, Т.Хэгерстранд ва бошқа қатор олимлар таклиф этган «янгиликлар диффузия»си схемасидан фойдаланилади.

Ж.Р.Будвиль ўсиш қутблари назариясини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди. Унинг концепциясига кўра, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида бир хил бўлавермайди. Ҳар доим динамик, яъни «пропульсив» деб аталувчи тармоқларни ажратиш мумкин. Улар бутун иқтисодиётнинг ривожланиши учун рағбатлантирувчи ҳисобланади ва «ривожланиш қутблари» сифатида намоён бўлади. В. Леонтьевнинг «харажатлар – ишлаб чиқариш» типдаги ўзаро алоқалар тизими орқали янгиликлар самараси бутун иқтисодиётга тарқалади. Ишлаб чиқариш концепцияси жараёни ҳисобига, «пропульсив» тармоқлар аниқ бир нуқтада (районда) – «ўсиш марказларида (қутбларида) тўпланади». Ж.Р. Будвиль В.Кристаллернинг марказий ўйинлар назариясига асосланган ҳолда уларнинг иерархиясини таклиф этди. Ўсиш қутблари орасида қуйидагилар ажратилади:

- учинчи сектор тармоқларида ихтисослашувчи ва яқинидаги қишлоқ жойларига хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта «классик» шаҳарлар;
- қайси ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши давлат томонидан рағбатлантирилиши керак ва нима учун? Ташқи таъсирлар ҳисобига ривожланаётган, диверсификацияланган иқтисодий тузилмага эга ўрта катталиқдаги саноат корхоналари;
- пропульсив тармоқларни ўз ичига олувчи, иқтисодиёт тузилмаси ривожланган йирик шаҳар агломерациялари;

- бир қанча шаҳар тизимларини қамраб олувчи ва ҳудудий тузилмалар эволюциясини аниқлаб берувчи интеграция қутблари.

Даставвал, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш назариялари ушбу иккита ёндашув билан чегараланар эди. Бироқ бунда неоклассик назария тарафдорларининг фикрлари амалий тасдиғини топмас – қисқа муддатда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишидаги фарқлар йўқолмас эди. Шунинг учун ҳам давлатни ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига у ёки бу даражада аралашишига тўғри келар эди.

Г. Камерон уч оқимни ажратади: биринчиси – «неинтервалистлар» бўлиб, улар ҳудудий ўсишга давлат томонидан аралашиш заруриятини инкор этадилар; иккинчиси – «адапторлар» бўлиб, улар стихияли бозор кучларини камайтириш ва ишчи кучи миграцияси ҳамда инвестицияларни рағбатлантириш ҳисобига табиий жараёнларни тезлаштириш йўли билан ҳудудлар ривожланишига унча сезиларли бўлмаган тўғрилашлар киритиб туриш тарафдори; учинчиси – «радикал қайта қурувчилар» бўлиб, интенсив тартибга солишни амалга ошириш тарафдорлари бўлишган.

«Адапторлар» ғоясининг моҳияти давлатнинг тартибга солиш вазифаси сифатида табиий жараёнларни уларнинг йўналишини ўзгартирмасдан туриб тезлаштиришдан иборат. Янада аниқроқ айтганда, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш хусусий компаниялар манфаатлари корхоналарни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг умумий тенденцияларига мос тушганда самарали бўлади. Бу эса, саноати ривожланмаган ҳудудларда саноатни ривожлантириш учун шароитлар мавжуд ёки бундай шароитлар пайдо бўлаётганда юз беради. Улар эса давлатнинг мақсадли сиёсати билан мустаҳкамланади.

Ҳудудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияларининг «пионерлари» С.Деннисон ва А.Леш ҳисобланади. Улар ривожланишни тартибга солишда бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иккита концептуал ёндашувга асос солишган. С. Деннисонни «фаол қайта қурувчиларга» киритиш мумкин, А. Лешни эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек «адапторлар»га. С.Деннисон урушдан олдинги Буюк Британия

учун жиддий муаммо бўлган депрессив ҳудудларни тартибга солишни кўриб чиққан. У асосий эътиборини саноат инвестициялари географиясига бевосита усуллар ёрдамида таъсир этишга қаратган. Бу усуллар саноатга янги капитал қўйилмаларини жойлаштириш устидан марказлашган назоратни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

А. Леш ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни анча кенг соҳалар бўйича кўриб чиққан. Шу билан бирга у ҳудудий иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солиш қобилиятларини юқори баҳолаган. У конкрет ҳудудларда табиий жараёнларнинг кечишини енгиллаштирувчи чора-тадбирлардан танлаб фойдаланишни таклиф этган; ишлаб чиқаришни кўчириш, рақобатни рағбатлантириш учун имтиёзли шароитлар яратиш тарафдори бўлган ҳамда инвестиция киритишнинг энг яхши йўналишлари ҳақида ахборот берувчи марказий бюро яратишни таклиф қилган. Буларнинг ҳаммаси, Лешнинг фикрига кўра, ҳудудий нотенгликларни текислашнинг етарли шарти бўлган капитал мобиллигини оширишга олиб келади. Деннисондан фарқли равишда А. Леш қолоқ ҳудудларда инвестицияларни рағбатлантиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1940 йиллар охирида ҳудудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солиш назариялари ривожланишига Э. Гувер ҳам сезиларли ҳисса қўшган. У давлатнинг тартибга солиш мақсадларига хусусий корхоналарни мукамал жойлаштириш, муаммоли ҳудудлар иқтисодиётига таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқариш ўсишини рағбатлантириш ва ҳудуд иқтисодий тузилмасини яхшилашни киритган. Э.Гувер тартибга солиш чора-тадбирларини икки гуруҳга ажратган. Биринчиси – қайтарувчи бўлиб, улар стихияли бозор кучлари фаолиятининг салбий оқибатларини юмшатишга; иккинчиси – олдини олувчи ҳисобланиб, улар узоқ истиқболда бандликнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган. У шу билан бирга иқтисодий конъюнктура ҳолатига қараб, иқтисодиётнинг турли тармоқларига нисбатан селектив (танлама) тартибга солишни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтган.

Бироқ, Э.Гувер узоқ муддатли тартибга солишнинг муҳимлиги ҳақида тўхтала туриб, ҳудудий чора-тадбирларни биринчи навбатда қисқа мудатли, антициклик тартибга солиш билан боғлаган.

Шундай қилиб, ҳудудий назарияларни ўрганиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва амалга оширилаётган ҳудудий тартибга солиш тадбирлари учун услубий восита бўлиб хизмат қилади. Бу албатта, ушбу йўналишга эътибор кучайган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади. Улардан самарали фойдаланиш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Ҳудудий инновацион стратегия макро ва микроинновацион стратегиялар оралиғидаги стратегия ҳисобланади. Унинг роли шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ва инновацион жараён ўзининг ҳудудий жойлашувига эга. Давлат даражасидаги макростратегия марказлашган ресурсларни аниқ, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Бу корхона ва ташкилотларда маҳаллий хом ашёлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари ҳамда инфратузилмалардан фойдаланилади. Агар кўрсатилган элементлардан бирортаси етарли даражада ривожланмаган бўлса, бунда мазкур ҳудудда макроинновация стратегиясини амалга ошириш чегараланиб қолади. Макро даражадаги ҳудудий муаммоларни ҳисобга олишнинг зарурий қирраларидан бири ҳар қандай давлатнинг алоҳида ҳудудларини ривожлантиришга аҳамият беришдир. Акс ҳолда, алоҳида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий чегаралаш ҳудудий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади. Собиқ СССР, Югославия, Ҳиндистон, Бразилия, Канада ва бошқа мамлакатлардаги ҳолат бунинг мисолидир.

Агар мезодаражалар ва микродаражалар инновацияга нисбатан кўриб чиқилса, унда ҳудудий ривожланиш бу ҳолатда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир ҳудуд ўзининг шахсий манфаатларига эга бўлади. Шундай қилиб, ҳудудий стратегиянинг қўлланиш ва амалга ошириш зарурлиги жиҳатидан мувофиқлаштирувчи тўрт асосий омилни ажратиш мумкин:

- макроинновация ҳудудий стратегияларининг нуқтаи назарлари;
- ҳудудий ривожлантиришнинг давлат сиёсати;

- ҳудудлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва илмий мақсадлари;
- корхоналарнинг микро-инновация стратегияси.

Ҳудудий инновация стратегиясининг ташкилий таъминотидан фойдаланиши.

Ҳудудий иновация стратегияси макро ва микро даражада шаклланганлиги муносабати билан ташкилий тузилмалар томонидан бу стратегияларни шакллантириш жараёнининг бошқарилиши ҳам шу даражаларда бўлиши лозим.

Ҳозирги макродаражада мавжуд бўлган ташкилий шакллантириш илмий-техника тараққиётининг бошқарилишида бироз бўлсада шу моделлаштиришнинг ҳудудий жиҳатлари билан боғлиқ. Айрим мамлакатларда ҳудудий инновация жараёнлари бошқарув бўйича махсус давлат органлари тузилган. Масалан, Канада илмий-техника федерал ва провинциал қўмитаси.

Бу стратегияни танлаган ташкилот турли тармоқларда радикал инновацияни амалга ошириш ҳисобига рақобатли имтиёзни шакллантиришга ҳаракат қилади. Радикал инновацияни амалга оширган ташкилотлар янги сегмент яратиш ҳисобига юқори даромадни яратиш имконини қўлга киритади. Бу борада янги технологияни қизиққан ташкилотларга сотиш муқобил ҳисобланади.

1.1-жадвал

Ҳудудий инновацион стратегия

Ҳудудий стратегиянинг номланиши	Стратегия тартиби
Мезо ҳудудий стратегия	
Ўз-ўзини таъминлаш	Бошқа ҳудудлардан товар келтириш билан боғлиқликни камайтириш
Мобилизацион	Ўзининг интеллектуал ишлаб чиқариши ва хом ашё ресурсларини ишга солиш ҳисобига ривожланишни таъминлаш
Ташқи ресурсларни жалб қилиш	Ривожланишни интеллектуал ҳамда бошқа тур ресурслар ёрдамида ва бошқа ҳудудлардаги ресурслар

	ҳисобига таъминлашга интилиш
Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш	Ривожланишни ўз ҳудудидаги мавжуд ҳолат ва ресурслардан фойдаланиш ҳисобига таъминлаш
Ҳудудни ривожлантиришнинг давлат макростратегияси	
Танланган устувор ривожланиш	Айрим устувор ҳудудларда азалдан юксак ривожланиш даражасига эга бўлган давлат ресурсларининг концентрацияланганлиги
Бир меъёردаги ривожланиш	Ҳудуд даражаларини зарурий ресурсларни йўналтириш ҳисобига тенглаштириш
Ресурсларни мутаносиб тақсимлаш	Ресурсларни алоҳида ҳудудлар орасида мутаносиб ишланган параметрлар бўйича тақсимлаш
Макроинновацион стратегиянинг ҳудудий жиҳатлари	
Концентрация	Макроинновация стратегиясини юқори ривожланган ҳудудларнинг чегараланган доирадаги потенциалидан фойдаланилган ҳолда амалга оширишга интилиш
Локализация	Макроинновация стратегиясинг имкон бўйича ҳудудларнинг потенциални жалб қилиш ва ривожланиш ҳисобига амалга ошириш

Статистика шуни кўрсатадики, инновацияни яратиш ва татбиқ қилиш бир томондан, юқори даражадаги таваккалчилик ҳисобланса, бошқа томондан, иқтисодий ривожланган мамлакатларда инвестиция ўртача даражадан 3 баробардан зиёд даромад келтиради.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда инвестиция билан инновацион фирмада шуғулланиш қанчалик фойда келтиришини аллақачон билганлар. Бу, одатда, **венчур** инвестициялаш ҳолида амалга оширилади. Унинг ғояси шундан иборатки, венгур капиталистнинг инвестицион портфелида мавжуд турли-туман лойиҳалар орасига таваккаллик тақсимланади ва инновациядан келиб тушадиган юқори даромадлар орқали қопланади. Масалан, венгур капитал ҳисобига ташкил топган Digital

Equipment Америка инновацион компаниясининг акциялари 10 йил ичида 750 мартадан зиёдга қимматлашди.

Венгур инвестициялаш таваккалчилигини пасайтиришнинг асосий усули — олдинги босқичнинг натижаларига қараб, босқичма-босқич молиялаштиришдир. Шу билан биргаликда ҳар бир «қўпориш» олдингига нисбатан кўп бўлиши керак. Инновация бизнесни давлат қўллаши технологик порк шаклини олмоқда. Бу биринчи марта АҚШда пайдо бўлган, ва ўзи билан инфратузилмада инновацион ташкилотлар томонидан маъқул шартлар асосида керакли ускуналар, лабораториялар, хоналар, ихтисослаштирилган ахборотлар манбалари мавжуд. Радикал технология ёки маҳсулот яратишда муваффақиятга эришган инновацион фирмаларнинг катта муаммоларидан бири ишлаб туриш, яъни «тирик қолиш» ҳисобланади. Электроника ва компьютерлар соҳасида АҚШдаги юзлаб инновацион фирмалардан фақат бир неча ўнтаси аҳамиятли натижага эришди ва фақат «Apple» компанияси кучли халқаро ташкилотга айланишга муваффақ бўла олди.

Шу далил аҳамиятлики, 70% дан кам бўлмаган тадқиқотлар оёқда қаттиқ турган йирик ташкилотлар лабораториясида ўтказилади, радикал инновациялар эса тадбиркор-инноваторлар томонидан кичик фирмаларда амалга ошади. Бу далилга кўплаб изоҳ бериш мумкин. Чунончи: биринчидан, тадбиркор кучли ички мотивацияга эга ва унда 2та муқобил мавжуд: ютиш ёки ютқизиш; иккинчидан, автоном ва йирик ташкилотларда ташкил топган маданият унга таъсир қилмайди; учинчидан, кичик фирма катта таваккалчиликка йўл қўйиши мумкин, чунки у ҳеч нарсани йўқотмайди ва акционерлар билан ташвиши йўқ бир қатор катта ташкилотлар бунга йўл қўя олмайдилар, чунки бу хатар «онгли» даражада юқори.

2 БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Корея Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудлари

Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиш моделлари ўрганилиб чиқиб, уларнинг ривожланишига қуйидаги 5 та асосий омил таъсир этганлигини кўрдик:

- Давлат-ислоҳотчи;
- Аралаш иқтисодиёт;
- Экспортга йўналтирилган;
- Самарали макроиқтисодий сиёсат;
- Самарали инфраструктура;

Бу мамлакатларда импорт ўрнини босувчи сиёсатдан экспортга йўналтирилган сиёсатга ўтишни жуда тез амалга оширган. бу иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида Шарқий Осиёдаги Жанубий Кореянинг экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Корея Республикасида эркин иқтисодий ҳудудлар 1970-йиллардан бири мавжуд экан, унинг тажрибаси барча ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётида бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши экспорт ҳисобига таъминланган, чунки ички сектор жуда кичик бўлган. Барқарор иқтисодиёт яратишда экспортга алоҳида аҳамият берилган. Мамлакат экспорт базаси ривожланиши чет эл капиталининг оқимига боғлиқ бўлган бўлиб, эркин иқтисодий ҳудуднинг яратилиши инвестициялар жалб этишда асосий йўл бўлди. Бундан ташқари, эркин иқтисодий ҳудудлар миллий саноат рақобатбардошлигини оширишда рағбатлантирувчи жараён бўлди. Жанубий Кореяда эркин иқтисодий ҳудудлар шаклланиш жараёнини мамлакат иқтисодий ривожланиши стратегиясида қараб чиқиш зарурдир. Бу ҳам инвестиция капиталини тез суръатларда ошиб боришига боғлиқдир. Ички бозор эмас, балки экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришда манфаати бўлган инвесторларни жалб қилишда ҳукумат эркин экспорт ҳудудларини яратишга қарор қилди.

Буларни барчаси режа асосида кўп меҳнат талаб қиладиган қишлоқ хўжалик майдонларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни миллий экспортга улушини оширишга қаратилган эди.

Жанубий Кореяда 1969-йилга қадар бевосита чет эл инвестициясини жалб қилишда чекловлар мавжуд бўлган. Бу чекловлар аста-секин инфратузилмани ривожланмаслиги ва трансмиллий корпорациялар билан ишлашда тажрибани йўқолишига олиб келди.

Бундан ташқари сиёсий ва ижтимоий барқарорликга нисбатан хавфлар мавжуд эди. Бунинг натижасида ҳукумат чет эл капиталини жалб қилишга ва миллий валютани оқиб кетишини олдини олиш бўйича рағбатлантирувчи дастур ишлаб чиқди. Дастлабки қонунчилик хужжати яъни экспортга йўналтирилган чет эл инвестициясини қўллаб-қувватловчи “Экспорт ҳудудларини яратиш” тўғрисидаги қонун (1970-йил 1-январдан кучга кирган) қабул қилинди. Бу эса Жанубий Кореяда эркин иқтисодий ҳудудлар яратилишда пойдевор бўлиб хизмат қилди.

1973-йилга келиб Жанубий Корея эркин иқтисодий ҳудудларида 120 млн. АҚШ доллар ҳажмга тенг бўлган чет эл инвестицияси билан 115 та лойиҳа амалга оширилган эди. Бу эса мамлакатнинг ўша даврдаги ялпи чет эл инвестиция ҳажмининг 10% ташкил этган эди.

2.1. -жадвал

Бевосита хорижий инвестициялар ҳажми, млн.долл.

	2005	2006	2007	2008
Жами	11563.5	11242.4	10514.4	11704.9
Америка	3107.9	1942.1	3202.2	1904.2
Осиё	3513.7	4010.4	2334.7	3280.5
Европа	4874.4	5232.9	4617.8	6477.8
Яқин Шарқ	37.2	44.2	83.6	26.8
Африка	32.2	12.9	276.2	15.6

Манба: The Export-Import Bank of Korea маълумотлари.

1962-йилдан 1984-йилга қадар барча чет эл инвесторлари “Чет эл инвестициясини рағбатлантириш” тўғрисидаги қонунда мавжуд бўлган солиқ

имтиёзлари дастуридан фойдаланишган. Бу дастур даромад солиғи, мулк солиғи, бундан ташқари божхона тўловлари ва импорт қилинаётган ускуналарга қўшимча қиймат солиқларига 50% имтиёзларни ўз ичига олган.

1984-йил июль ойида янги қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонунга асосан фақатгина юқори технологиялар тармоғи учун солиқ имтиёзлари берилиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари учун махсус солиқ имтиёзлари белгиланди. Аҳамият бериш лозимки, минтақавий ривожланиш воситаси сифатида эркин экспорт ҳудудлари асосий иқтисодий районлардан узоқда шакллантирилган.

2.2 -жадвал

Шаклланган Саноат комплекслари

Изоҳ	Масан	Иксан	Гунсан	Даебул
Минтақавий жойлашуви	Gyeongnam	Jeonbuk	Jeonbuk	Jeonnam
Тасдиқланган санаси	Янв. 1, 1970	Окт. 8, 1973	Окт. 6, 2000	Ноя. 21, 2002
Ҳудуди (1,000 кв.м)	1,019	307	1,253	1,157
Бошқарув шакли	Масан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги	Иксан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги	Иксан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги	Иксан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги

Тасдиқланган саноат комплекс турлари аэропорт ва денгиз портларига яқин жойлашган бўлиб, бу қулайлик орқали мамлакатдан юкларни олиб чиқиб кетиш ва олиб кириш енгиллашади. 2004-йилда “Эркин савдо ҳудудларини Тасдиқлаш ва Бошқариш тўғрисидаги” қонунга ўзгартиришлар киритилган бўлиб унга биноан ишлаб чиқариш нуқталарида логистика, дистрибуторлик ва бошқа функцияларни бажарилишига кўмаклашишдир.

1970-йилда тасдиқланган Масан ва Иксан эркин савдо ҳудудларида Sony, Nokia, Sanyo каби мултимиллий корпорацияларга ўз хизматларини кўрсатиб турмоқда. Гунсан ва Даебул 2000-йилда яратилиб тасдиқланган

эркин савдо ҳудуди бўлиб машинасозлик, автомобилсозлик, кемасозлик ва бошқа турдаги махсуслаштирилган ҳудудий саноат тури билан шуғулланади.

Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели Япония моделига ўхшаб кетади. Шимолий Кореядан фарқли равишда Жанубий Корея тахминан 40 йил ичида юқори технологиялар саноатини барпо қилишга эришди.

1987 – йилда Кореянинг фан ва технология вазирлиги томонидан мамлакатнинг фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари белгилаб берилган 15 йиллик режаси ишлаб чиқилди. Унда микроэлектроника ва кимё саноати, информатика ва ишлаб чиқаришни автоматизациялаштиришга асосий урғу берилган эди. Ўтган асрнинг 80 – йилларидан мамлакатда илмий-ишлаб чиқариш парклари (технопарклар) ташкил этила бошланди. Молиявий ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги туфайли бу лойиҳада Корея ва чет элнинг катта компаниялари иштирок этди.

Технопаркларда ноёб технологияларни ишлаб чиқариш бўйича эксперимент ва тадқиқотлар олиб борилад эди. Ҳамда янги техника-технологиялар, маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича ишлар олиб борилад эди. Бу мақсадда ҳукумат ажратган маблағ 1960-1980 – йилларда ЯИМнинг 0,25% идан 0,58%игача кўтарилди.

2.3. -жадвал

Жанубий Корея иқтисодиётига киритилган бевосита инвестицияларнинг тармоқ таркиби, млрд.долл.

	2006	2007	2008	2006 й.га нисбатан 2008 й.да ўсиш, %
Иқтисодиёт соҳаларига, жами	11,24	10,51	11,71	
Ишлаб чиқариш	4,25	2,69	3,0	70,5
Хизматлар	6,63	7,61	8,39	126,5
Бошқа соҳалар	0,36	0.21	0,32	88,9

Манба: Корея Республикаси Миллий статистика бошқармаси.

Юқорида Корея Республикасида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тарихий ривожланиш тажрибаси кўриб чиқилди. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишдаги қонунчилик базаси, уларнинг шарт-шароитлари, чет эл инвестициясини жалб қилишдаги ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсат билан яқиндан таништирилиб чиқилди. Жанубий Кореядаги эркин иқтисодий ҳудудларни барчасини бир тизимга келтирган ҳолда уларга қуйидагича характеристика бериш мумкин:

Жанубий Кореядаги “Эркин иқтисодий ҳудудлар” саноат комплекслари, аэропорт, порт, дистрибьютор комплекслари, юк терминаллари ва бошқа тасдиқланган ҳудудлар бўлиб улар саноат ва логистик корпорацияларни жойлаштиришга ёрдам беради.

Корпорациялар бу ҳудудларда ўзининг бизнес тури ва инвестиция ҳажмига қараб миллий ва маҳаллий солиққа тортилишда бир қанча афзалликларга эга бўлишади. Божхона актига қараб бу корпорациялар импорт товарларига бож тўловларидан озод бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолатлар одатда импорт қилинган ҳом-ашёларни ишлатганда, экспортга йўналтирилган товарларга нисбатан қийинчилик туғдирадиган жараёнларни олдини олиш учун қилинган.

Ер, фабрика-заводлар ва бошқа турдаги жихозлар қиммат бўлмаган узоқ муддатли шарт асосида ижарага берилади. Бу эса корхонани ичига олган экспортда логистик бизнесни, товар омборларини, логистикани, юк бошқарувини, қадоқлаш, импорт ва экспорт улгуржи савдо бизнесини, хорижий инвестиция корпорацияларига жуда қулай бўлган бизнес шарт-шароитларини яратиб беради. Хусусан, “эркин савдо ҳудудлари” хорижий инвестиция киритувчи корпорацияларга оптимал жойлашувни таъминлаб бериши натижасида саноат ва логистик бизнесни катта ҳажмда олиб боришга ёрдам беради.


Кореядаги “Эркин иқтисодий ҳудудлари” ўзаро қуйидаги категориялар бўйича ажратилади:

2.4 -жадвал

Саноат комплекслари	Аэропорт ва денгиз портлари
Масан	Инчон Аэропорти ва Инчон порти
Иксан	Бусан Порт
Гунсан	Кванян Порт
Даебул	Гунсан Порт (режалаштирилаётган ҳудуд)

2.1 -харита

“Эркин иқтисодий ҳудудлар”ининг жойлашув харитаси



2010 йилдаги режаларга кўра Кореянинг Инчон шаҳрида бир нечта режалаштирилаётган ҳудудлар мавжуд уларга⁷;

- Сонгдо ҳалқаро шаҳарчасии
- Йоунжонг аэрополиси
- Чеонгна ороли

2.1 -диаграмма



Манба: www.eng.ifez.go.kr асосида талаба томонидан таҳлил қилинди.

Юқоридаги барча “Эркин савдо ҳудудлар” Корея Республикасининг бир неча вазирликлари томонидан бошқарилади. Саноат комплекслари “Савдо, Саноат ва Энергия” вазирлиги томонидан, аэропортлар “қурилиш ва транспорт” вазирлиги томонидан, денгиз портлари эса “Денгиз ишлари ва Балиқчилик” вазирлиги томонидан бошқарилиб профессионал ва махсуслаштирилган бошқарувга асосланади.

⁷www.ifez.go.kr

Инчон эркин иқтисодий ҳудуди ўз ривожланишининг 2-босқичини ўтамоқда. Бу 5 йиллик модел асосан чет эллик тадбиркорлар ҳамда уларнинг ривожланиши, шарт-шароитлари ва яхши а инфратузилмасини келажакда яна ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирга келиб эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш ички инвестициялар орқали амалга оширилмоқда.

2.2. Корея Республикаси кластер ривожланишида “Дедок” иннополисининг ўрни

Индустриалаштиришнинг бошланғич босқичларида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини интенсив ривожлантиришда жойларда замонавий базавий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини шакллантириш ҳисобига чекланган бюджет маблағларини концентрациялаш мақсадида давлат томонидан саноат паркларини яратиш қўллаб-қувватланган.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Корея саноат сиёсатида ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётдаги технологик укладлар ўзгаришига мос келади. Жумладан, 1960 йилларда Ульсан ва Гуро шаҳарларида ташкил этилган биринчи парклар тўқимачилик саноати компаниялари учун мўлжалланган бўлса, паркларнинг 1970 йилларда Поханг, Жангвон ва Гуми шаҳарларида ташкил этилган иккинчи авлоди пўлат қуйиш, машинасозлик ва электротехника компаниялари учун, 1980 йилларда Банволь ва Шива шаҳарларидаги парклар эҳтиёт қисмлар ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, 1990 йилларда Дэболь, Гунсан ва Асандаги парклар эса машинасозлик саноатига ихтисослаштирилган.

Ҳозирда мамлакатда 661 та саноат парки мавжуд бўлиб, уларнинг ҳиссасига ялпи саноат маҳсулоти ва саноатда банд бўлганларнинг 54% и тўғри келади. Бунда биргина Корея саноат мажмуалари корпорациялари томонидан бошқариладиган 30 та йирик мажмуаларда 680 минг ходим меҳнат қилади, 280 млрд. долларга миқдорида қўшилган қиймат ва 120 млрд. долларга тенг экспорт маҳсулотлари яратилади.⁸

⁸ <http://www.kicox.go.kr>

Шу билан бир қаторда мамлакатда хусусий сектор субъектлари (SAMSUNG компаниялари) томонидан ташкил этилган саноат парклари ҳам мавжуд. Ушбу парклар ярим ўтказгичлар ва рақамли асбоб-ускуналар (Сувон шаҳри), “LG Phillips”нинг LCD-телевизорлари (Паджу шаҳри), юқори қўшилган қийматли материаллар (Поханг шаҳри) ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Саноат парклари ташкилий жиҳатдан махсус ажратилган ҳудудларда жойлашган бўлиб, ихтисослашган компанияларга ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш учун имтиёзли шартларда тайёр бинолар ва иншоотлар узоқ муддатли ижарага берилади. Шунингдек, инфратузилма ва коммуникация объектлари ва хизматлари (сув, газ, иссиқлик, электрэнергия, канализация ва б.) бўйича имтиёзлар тақдим этилади, ҳар томонлама маъмурий кўмак кўрсатилади. Уларни шартли равишда иерархия ва функциональ белгилари бўйича гуруҳлаш мумкин.

Биринчи ҳолатда миллий ва маҳаллий бўйсинишга эга паркларни фарқлаш мумкин. Бу эса ушбу паркларнинг таркибий тузилишидан келиб чиқади.

Миллий аҳамиятга эга парклар. Бундай паркларни ташкил этиш ҳуқуқи Ер, транспорт ва денгиз муносабатлари вазирлигига тегишли бўлиб, улар ҳудудларни мувозанатли ривожлантириш кўмаклашиш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва юқори технологияли тамроқларни кенгайтириш дастаги ҳисобланишади. Миллий парклар категориясига уларнинг ён-атрофида жойлашган икки ва ундан ортиқ шаҳар ёки провинциялар ҳам киради. Ҳозирда мамлакатда⁹ миллий аҳамиятга эга 45 та парк фаолият олиб боради. Ушбу парклар мамлакат саноат мажмуаларининг асосини ташкил этади ҳамда янги технологик уклад доирасида тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш базаси ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга эга парклар. Ушбу парклар минтақавий маъмурият томонидан тегишли провинциялар иқтисодиётини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудий конценртациялаш даражасини тенглаштириш мақсадида ташил этилади. Бундан ташқари Корея

⁹ Ўша манба.

ер корпорацияси, Корея сув ресурслари корпорацияси, Корея аграр хўжалик ва қишлоқ жойлари корпорацияси, Шаҳарлар ва провинцияларни урбанизациялаштириш бўйича корпорация, Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси, Корея саноат мажмуалари корпорациясига ҳам маҳаллий аҳамиятга эга паркларни таъсис этишга рухсат берилган. Шу билан марказий ҳукумат органлари ўзларида нафақат миллий даражада, балки маҳаллий даражада ҳам тегишли ваколатли тузималар орқали саноат паркларини шакллантириш ҳуқуқини сақлаб қолишади.

Корея Республикасида функционал белгиси бўйича қуйидаги ихтисослашган саноат паркларини ажратиш мумкин:

-агросаноат парклари – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қишлоқлар ва балиқчилик поселкаларида ташкил этилади. Устун даражада кейинчалик хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва жойлаштириш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд жойларда барпо этилиб, маҳаллий аҳолининг дарпомадларини оширишга хизмат қилади.

-технопарклар – яқин атрофда жойлашган корхоналар, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда ИТТКИни амалга ошириш, малакали персонални тайёрлаш, саноат ва техник ахборотларни айирбошлаш, инфратузилма объектларидан фойдаланиш, тажриба лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларини тижоратлаштиришни таъминлашга хизмат қилувчи парклар. Бу турдаги парклар Корея Республикаси иқтисодиёти учун нисбатан янги ҳисобланади. Мамлакатда технопарклар фаолиятига 10 йил олдин асос солинган. Ҳозирда мамлакатда Билимлар иқтисодиёти вазирлиги томонидан бошқариладиган 6 та технопарк фаолият олиб боради¹⁰;

- венчур бизнес парклар – фақат таваккалчилик капиталига асосланган ва шу турдаги инвестициялашни амалга оширадиган компаниялар учун мўлжалланган парклар. Бу ерда иқтисодий субъектлар йўл инфратузилмасини ривожлантиришга солиқлар ва қатор йиғимлардан озод қилиниши, венчур лойиҳаларини ишлаб чиқишга сарфланган маблағларни

¹⁰ Ўша манба.

қисман ёки тўлиқ қайтариш, парк ҳудудида лойиҳа тугаллангандан кейин хўжалик фаолиятини олиб боришга рухсат бериш кўзда тутилган;

- **дастурий таъминоат ишланмалари парклари** – АКТ ва тегишли ихтисослаштирилган инфратузилмага эга жойлардаги ташкилотларга тегишли парklar. Субъектларга кўмак бериш ташкилотлар ва парк фаолиятида фақат молиявий ёрдам шаклида амалга оширилади. Хусусан, ушбу ҳудудда жойлаштирилган компанияларни юқори тезликка эга коммуникация тизими билан таъминлаш, давлат мулки ҳисобланган объектларни ижарага бериш кабилан шулар жумласидандир. Бунда маҳаллий ҳокимият органларига АКТ-компанилар билан у ёки бу шаклда боғлиқ тузилмаларнинг ривожланишида улушли қатнашиш ва инвестиция киритишга рухсат берилган;

- **телекоммуникация парклари** – юқорида қайд этилган парklarга фаолият соҳаси ва молиялаштириш манбаларига кўра ўхшаш, аммо фақат телекоммуникация соҳасига ихтисослаштирилган компанияларга мўлжалланган парklar. Бунда нодавлат фондларидан ажратиладаган молиявий ёрдам ИТТКИ, мутахассисларни ўқитиш, юқори сифатли жамоат хизматларидан фойдаланиш масалалари бўйича АКТ соҳасидаги фирмаларни ривожлантириш жараёнига йўналтирилади.

- **маданият соҳаси парклари** – ИТТКИ, персонални ўқитиш, компаниялар, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ахборот айирбошлашни фаоллаштиришга мўлжалланган парklar. Ушбу парklar маданият, таълим ва саноат инфратузилмаси юқори даражада ривожланган жойларда ташкил этилади. Улар бошқа парklarдан ихтисослашуvidан ташқари парк ташкилотчиларига молиявий ёрдам кўрсатиш эҳтиёжи туғилган ҳолларда ёрдам кўрсатиш, қатор солиқлар ва йиғимлардан озод этиш, давлат мулки ҳисобланган объектларни сотиб олиш ва ижарага олиш ҳуқуқини бериш билан ҳам ажралиб туришади;

- **илмий тадқиқот парклари** – венчур капиталга асосланган юқори технологик ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга йўналтирилган парklar. Бу турдаги парklar одатда, олий ўқув юртлари, давлат томонидан

молиялаштириладаган тадқиқот муассасалари ва хусусий секторга тегишли илмий-тадқиқот институтлари бир-бирига яқин жойларда ташкил этилади.

Корея Республикасида саноат парклари фаолияти учун кенг миқёсли ҳуқуқий база яратилганлигига қарамасдан ҳозирги кунда мамлакатда фақат биринчи икки турдаги ихтисослаштирилган паркларгина (агрополислар ва технопарклар) фаолият юритмоқда. Қолганлари эса алоҳида ҳудудий ишлаб чиқариш бирликлари сифатида амалий тасдиғини топмади. Бунинг асосий сабаби тегишли ихтисослашувга эга корхоналарнинг миллий ва маҳаллий даражадаги саноат мажмуаларига жойлаштирилиши билан боғлиқдир.

Саноат паркларини ташкил этиш ва уларнинг амал қилиши ихтисослашувига боғлиқ бўлмаган ҳолда махсус ишлаб чиқилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари мажмуасига асосланади. Ушбу тадбирлар қуйдаги йўналишлар доирасида компанияларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва фаоллаштиришга қаратилгандир:

- лицензиялаш ва рухсат бериш тартиби бўйича **маъмурий қўллаб-қувватлаш**:

а) парк лойиҳасини тасдиқлаш вақтида автоматик тарзда, бир вақтнинг ўзида 21 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган 36 турдаги рухсатнома берилади;

б) қурилиш ишларининг тугалланганлиги тўғрисидаги сертификат олингандан сўнг парк ҳудудида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича барча инспекция ва текширишларни ҳал этиш лойиҳа эгаси ҳисобланган кмпания фойдасига ҳал этилади;

- *мажбурий жараёнлар*:

а) шаҳарларнинг бош ривожланиш режаси ишлаб чиқиладиган парк лойиҳаси билан мувофиқлаштирилади ва қайта кўриб чиқилади;

б) парк ҳудудидаги давлат мулки ҳисобланган объектларда янги қувватларни ишга туширишда мавжуд, эски қувватлар қўшимча экспертиза ва текширишларсиз ишлаб чиқаришдан автоматик тарзда чиқиб кетган деб ҳисобланади;

в) давлат мулки ҳисобланган объектлар базасида бинолар ва иншоотлар куриш пайтида “Миллий мулкчилик тўғрисида”ги ва “Маҳаллий молия тўғрисида”ги қонунларга риоя қилиш мажбурий эмас;

- ер участкасини сотиб олиш:

а) саноат парклари лойиҳаларига мавжуд қонунчилик бўйича лойиҳани амалга ошириш бўйича олдиндан хабар бериш ва ер участкаси ажратиш тўғрисида ариза бериш ҳақида мажбурий талаблар қўйилмайди;

б) парк ҳудудида жойлашган давлатга тегишли инфратузилма объектлари ва ишлаб чиқариш қувватлари “Миллий мулкчилик тўғрисида”ги ва “Маҳаллий молия тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда хусусий сектор субъектларига берилиши ёки ижарага берилиши мумкин;

- инфратузилманинг ривожланишига қўмаклашиш:

а) мавжуд қонунчиликка мувофиқ давлат саноат парклари учун портлар, темир ва автомобиль йўллар, ўтиш йўллари, коммуникация, сув ва энергия таъминоти, канализация ва чиқиндиларни тозалаш тизимларини яратиб бериши зарур. 1997 йилдан бошлаб ушбу талаб миллий даражааги апарклардан ташқари маҳаллий даражадаги паркларга ҳам тегишлидир;

б) давлат томонидан янги ишлаб чиқариш қувватларини саноат парки маъмуриятига бериш ва парк ҳудудиданги мулкчилик объектлари шаклини ўзгартириш солиқлар ва йиғимлардан озод этилади;

- солиқ имтиёзлари ва рағбатлантиришларни тақдим этиш:

а) умумдавлат ва маҳаллий (паркларнинг бўйсунушига боғлиқ ҳолда) солиқларни тўлашдан озод қилиш ва имтиёзли тартибда ер участкасини бериш;

б) лойиҳа эгаларини ер участкаси билан боғлиқ барча йиғимларни тўлашдан озод қилиш;

в) корхоналар, аввало, кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий қўмак бериш, жумладан, агрополисларда ишлаб чиқариш капитали ва инфратузилма объектларини беғараз асосда тақдим этиш.

Корея Республикасида саноат паркларини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таъсис этишдаги имтиёзлар механизмнинг

мавжудлигига қарамасдан қатор камчиликларга йўл қўйилган. Бу аввало, саноат ишлаб чиаришдаги ўзгаришларнинг инертлиги билан боғлиқдир. Анъанавий тармоқлар, устун даражада тўқимачилик фабрикалари ва машинасозлик заводларини жойлаштиришга мўлжалланган, йирик конгломератлар доирасида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишга мос равишда лойиҳалаштирилган парклар бугунги кунда замонавий турдаги ва шаклдаги хўжалик фаолиятига (кичик ва ўрта бизнес, аутсорсинг ва субподряд ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари корхоналарнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари) хизмат кўрсатишга мослашмаган.

Шу билан бир қаторда индустриаллаштиришнинг илк босқичларида яратилган мамлакатнинг йирик паркларида базавий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, баъзи ҳолларда деградациялашуви кузатилмоқда. Инфратузилмани яроқли ҳолда ушлаб туриш мавжуд қонунчилкка мувофиқ маҳаллий органлар мажбурияти ҳисобланади. Аммо минтақавий маъмуриятда бюджет маблағларининг етишмаслиги Пкапитал харажатлар моддасининг мунтазам молияштиришда узилишлар бўлишига олиб келади. Маҳаллий маъмурият органлари парк ҳудудида жойлашган, мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаётган компанияларга таъсир ўтказиш ва солиқ интизомига риоя қилишлари учун босим ўтказиш борасида таъсирчан механизмга эга эмаслар.

Мамлакат саноат паркларининг рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир этувчи ўхшаш муаммоларнинг юзага келиши давлат томонидан етарли эътиборнинг йўқлиги билан эмас, балки саноат паркларининг жаҳон хўжалигидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнлари тенденцияларига мос равишда босқима-босқчи ривожланиши ва фаолият олиб бориши ўрнига устун даражада ташкилий концентрациялашуви билан боғлиқдир.

Шу билан бирга ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олишда бутунлай тескари ҳолат кузатилмоқда. Ушбу муаммолар алоҳида, тегишли чоратadbирлар дастурига тегишли, ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар сифатида кўриб чиқилмайди. Бу эса мамлакатнинг замонавий ҳудудий, муфозанатлашган саноат-инновация сиёсатини амалга оширишда

режалаштирилган мақсадга эришиш ва қуйидаги саноат паркларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда йўлида жиддий тўсиқ бўлиши мумкин:

- *саноат паркларини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш марказларига айлантириш.* Бунда ишлаб чиқариш қувватлари жуда юқори концентрациялашувга эга йирик шаҳарлардан ушбу қувватларни минтақаларга босқичма-босқич қайта тақсимлаш кўзда тутилган. Саноат парклари бир томондан ўз ҳудудларида ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун қўшимча рағбатлантирилса, иккинчи томондан хўжалик субъектларининг шаҳарлардан провинцияларга ҳаракатланиш самарадорлиги даражаси ошиб, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашади ва минтақалар ўртасидаги табақалашув даражасини қисқаришига олиб келади;

- *саноат паркларидан минтақавий иқтисодиётни кластерли ривожлантиришнинг асосий механизмлари сифатида фойдаланиш.* Зарур инфратузилмалар, ишлаб чиқариш фондлари ҳамда паркларнинг у ёки бу соҳага ихтисослашувининг мавжудлиги субъектлар ва тармоқлар даражасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, аралаш ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради. Бу эса парк ҳудудидан ташқари тегишли ижобий самарани КЎБ секторининг ўсиши ва аутсорсинг ва субподряд занжирини интенсивлаштириш ҳисобига максималлаштириш имконини беради;

- *саноат паркларини мамлакатда янги технологик укладнинг шаклланиши жараёнида инновациялар ва ИТТКИ марказларига трансформациялаш.* Шу орқали саноат парклари ишлаб чиқаришнинг ифтор усуллари ишлаб чиқиш, жорий этиш ва тарқатиш, тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришга жалб этилади. Натижада саноат парклари ҳудудий субъектлар сифатида нафақат ўз рақобатбардошлигини, балки тегишли минтақаларда илмий-техник ва саноатнинг ривожланишини жадаллаштиради.

- *хўжалик фаолиятини юритишнинг асосий принципи сифатида саноат парклари ҳудудида экологик жиҳатдан масъулиятли хўжалик юритишга*

ўтиши. Саноат корхоналари фаолиятини экологик мезонлар бўйича жойлаштириш даромадларнинг ортиши билан бирга аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг инновацион усуллари ва уларнинг экологик турларига асосланиши эса кластер занжири бўйича аралаш ва қўллаб-қувватловчи тармоқларга табиатни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш, ҳудудий жиҳатдан ишлаб чиқариш кучларининг концентрациялашувини оптимллаштириш имконини беради.

Саноат паркларининг мамлакат ишлаб чиқариш тизимидаги алоҳида ўрни билан боғлиқ ҳолда юқорида қайд этилган вазифаларнинг объективлигидан келиб чиқиб саноат сиёсатининг янги концепциясида 2005 йилда тегишли саноат мажмуалари базасида “7 кластер” тажриба лойиҳасини амалга ошириш бошланди (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

7 та йирик саноат паркларини жаҳон стандартлари даражасидаги кластерларга трансформациялашнинг устувор йўналишлари¹¹

Саноат мажмуаси	Ихтисослашиш соҳалари	“7 кластер” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш
Джангвон	Машинасозлик	Автомобилларни диагностика қилиш воситалари; транспорт воситалари учун асбоблар; роботсозлик; металлопрокат.
Гуми	Электроника	Мониторлар ишлаб чиқариш; эҳтиёт қисмлар ва деталлар; сунъий интеллектга эга электр асбоб-ускуналар; уяли алоқа телефонлари; роботсозлик; аборт-коммуникация технологиялари учун зарур қисмлар ишлаб чиқариш; генераторлар.
Ульсан	Автомобилсозлик	Двигателлар ишлаб чиқариш; электр поездлар ишлаб чиқариш; автомобиллар дизайни.
Банволь-Шива	Эҳтиёт қисмлар	Авто эҳтиёт қисмлар; металлопрокат; рафинированные химикаты; наномехатроника; энергетика; тўқимачилик; тозалаш асбоб-ускуналари.

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Кванджу	Фотоника	оптик компонентлар; диодлар; оптика асбоб-ускуналари; электрон компонентлар; авто эҳтиёт қисмлар.
Вонджу	Тиббиёт асбоб- ускуналари	Электрон тиббиёт инструментлари; анъанавий шарқ табобати учун инструментлар; реанимация асбоб-ускуналари; тиббиёт асбоб-ускуналари учун бутловчи қисмлар; ишбилармонлик хизматлари.
Гунсан	Автомобиль эҳтиёт қисмлари	Автомобиллар ишлаб иқариш учун пластмасса ва пўлат

Маълумот учун: «Вонджу» саноат парки «Вонджу» тиббиёт теникаси водийсининг бир қисми ҳисобланади.

2.5-жадвалда қайд этилган саноат мажмуаларида инфратузилма сифатини ошириш ва ривожлантириш, инвесторларни жалб этишга кўмаклашиш, ташқи савдони фаоллаштиришга катта миқдордаги капитал кўйилмалар сарфлаш ҳамда ИТТКИни тижоратлаштириш орқали сезиларли ийжобий натижаларга эришилди. Жумладан, 2009 йил бошида 2008 йилга нисбатан сотиш 42 %га (32,2 млн. долл.), тадқиқотларга сарфланган харажатлар 18.4 %га (60,9 млн. долл.) ошди, рўйхатдан ўтказилган патентлар сони эса 208 тадан 661 тагача кўпайди ¹².

2009 йилда саноат паркларини кластерлаш бўйича саъй ҳаракатларнинг муваффақиятли эканлигини эътиборга олган ҳолда дастурга қўшимча яна 5 та индустриал мажмуа қўшилди: «Намджонг» (авто эҳтиёт қисмлар), «Очанг» (АКТ), «Сонгжду» (мехатроника), «Ноксан» (машинасозлик), «Дэболь» (кемасозлик). Корея саноат мажмуалари корпорациялари ушбу база асосида истиқболда 54 та сателлит мини-кластерлар яратишни режалаштирган бўлиб, уларнинг 4 тадан 7 тасигача тегишил тармоқларга ихтисослашади.

Агар саноат парклари моҳиятига кўра “билимлар иктисодиёти” шаклланаётган жараёнда ихтисослашуви ва мақсади бўйича устун даражада саноатнинг капитал сиғимкорлиги юқори тармоқлари эҳтиёжига хизмат қилишади. Ихтисослаштирилган ҳудудий-ишлаб чиқариш бирликлари базасида фан сиғимкорлиги юқори ишлаб чиқариш турлари

¹² Duerden C. Clustering Excellence. Invest Korea. January-February 2009.

инфратузмасининг шаклланишини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизимида сифат жиҳатдан силжиш сифатида баҳолаш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат ИТТКИ кластерларини ривожлантиришни саноат сиёсатининг янги концепцияси доирасида бошлади. Бунда кластерлар саноат сиёсати турларининг бири сифатида қаралиб, илмий-тадқиқот марказлари ва инновацион ишлаб чиқаришнинг географик жойлашуви синергетик самараси ҳисобига минтақавий ва миллий иқтисодиёт миқёсида иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини очиш ҳамда максималлаштиришга хизмат қилиши кўзда тутилган.

“ДЭДУК” иннополиси ҳозирда мамлакатдаги ягона илмий шаҳар бўлиб (27.2 км²), Дэджон шаҳрида жойлашган (Сеулдан 150 км). Ушбу лойиҳа 1973 йилда бошқа ҳудудий ишлаб чиқариш бирликлари – саноат парклари ва эркин савдо зоналари юқори ривожланиш даражасига эришган вақтда ишлаб чиқилган бўлиб, 1992 йилда инфратузилма объектларининг қурилиши тугалланмагунга қадар мамлакатнинг саноатлашишида сезиларли роль ўйнамади. Аммо унинг кейинги ривожланиш босқичлари миллий иқтисодиётда технологик укладларнинг алмашинуви чоғида ишлаб чиқариш соҳасида устувор йўналишларнинг ўзгариш динамикасини тўла акс эттира олди.

Охирги ўн йил ичида “Дэдук” иннополисининг тўлиқ ҳудудий-ишлаб чиқариш бирлиги сифатида фаолият олиб бориши учун илмий-ишлаб чиқариш компаниялари, иккита саноат парки, 20 та ўқув юрти, 18 та давлат илмий-тадқиқот институтлари ва 29 та йирик ТМКнинг тадқиқот марказларидан ташкил топган кластерли илмий шаҳар яратилди. Ушбу шаҳарда 18 минг юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, 5 мингта фан номзоди ва фан докторлари иш билан банд.

Бунда ИТТКИ натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятни олиб бориш учун максимал қулайлик яратиш мақсадида 23 та турли вазирликлар ваколатига тааллуқли бизнес-инкубаторлар, 800 та венчур компанилар асосида ҳуқуқий-институционал ва молиявий муҳит

шакллантирилди¹³. Шунингдек, Дэджон, Чоннан, Джонджу шаҳарлари, “Очонг” ва “Осонг” мажмуалари, “Иксан” Эркин савдо зонаси билан кооперацияон алоқалар ўрнатилган.

Агар ташкили ҳукукий жиҳатдан “Дэдук” тезда АҚШнинг Силикон водийси моделига мослаштирилган (субъектлар ўртасида тезда кооперацион алоқалар ўрнатилган) бўлса, ишлаб чиқаришнинг таркибига кўра эса паркка мамлакатда юқори технологик ишлаб чиқаришни жадал суръатларда шакллантириш бўйича тажриба лойиҳаси роли ажратилган. Аммо 1990 йилларда ахборлаштириш миллий дастурларининг илгари сурилгани ва кейинчалик илғор интернет ва йўлдош конвергент технологияларнинг кенг миқёсда жорий этилиши бу соҳадаги устувор йўналишларнинг АКТ соҳаси ва унга яқин тармоқлар томон ўзгаришига олиб келди.

CDMA уяли алоқа стандартлари, симсиз кенг полосали WiBro Инернет, рақамли DMB форматида мультимедияли кўрсатувлар олиб бориш ҳамда “интеллектга асосланган жамият” даври TDX-коммуникациялари айнан «Дэдук»да тижоратлаштирилди. Ушбу технологиялар Корея Республикасини глобал АКТ ва электротехника бозорларида етакчи мамлакатга айлантирган бўлса, “Дэдук” халқаро миқёсда йирик АКТ-кластер сифатида танилди. 10 йил давомида “Дэдук” шаҳри субъектлари томонидан мамлакатда ва хорижда 30 000 дан ортиқ ихтиро ва ноу-хаулар патентлаштирилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ¹⁴.

Ушбу натижалар “Дэдук”ка сарфланган йирик миқдордаги капитал қўйилмалар (30 млрд. долл.)¹⁵ ва интернет ва телекоммуникацияларни оммавий равишда молиялаштириш, 2002 йилда илмий-техник ва саноат ривожланишининг устувор йўналишлари доирасида қатор илғор, янги технологик уклад тармоқларига инвестициялар киритиш АКТга йўлдош ишлаб чиқариш бўйича тор ихтисослашувдан узоқлашиш ва юқори технологияларга ихтисослашувга ўтиш бошланди. «Дэдук» мамлакатда ҳамон барча керакли инфратузилма, интеллектуал ресурслар ва ИТТКИни

¹³ Hong S. Et al. The impact Daejeon city knowledge network//ISUJ N.14 (1), 2010. p. 39.

¹⁴ <http://www.ddi.or.kr>

¹⁵ Hong S. Et al. The impact Daejeon city knowledge network//ISUJ N.14 (1), 2010. p. 36

тижоратлаштириш механизмига эга ягона ҳудудий иннополислигича қолмоқда.

Бундан ташқари мамлакатда кўпсонли, хусусан, биология ва биотехнология, атом энергетикаси, аэрокосмик тадқиқотлар, наноматериаллар, геология ва минерал ресурслар, токсикология, анъанавий шарқ табobati, роботсозликка ихтисолаштирилган миллий илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ушбу марказлар томонидан мамлакатда АЭС учун базавий моделга айланган, “Ханаро” натрийсида совутиладиган атом реактори лойиҳаси, ядро ёқилғисининг инновацион турлари, лазерларнинг янги авлодлари, сунъий интеллектга эга уй-рўзғор роботлари, «FACTIVE» биомедикаменти, нанобиомикросхемалар, ёруғдиодли нашр этиш технологиялари ишлаб чиқилди ва тижоратлаштирилди, 7 та космик йўлдошлар парвози амалга оширилди ва 14 000 турли инсонлар гени ажратилди.¹⁶

“Дэдук”даги бу таркибий силжишлар илмий тадқиқот муассасалари сонининг жадал суръатларда ўсиши (21 та ТМК ва КЎБ ИТТКИ марказлари, 25 та давлат ва 7 та давлат капитали иштирокидаги хусусий илмий-тадқиқот институтлари, 410 та хусусий лабораториялар ва 898 та “хай-тек” соҳаси компаниялари)¹⁷ билан бирга амалга ошди. Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятининг натижалари Корея Республикасини жаҳонда инновация соҳасида глобал етакчилик даражаси бўйича Сингапрудан кейин иккинчи ўринга, патентланган ихтиролар сони бўйича учинчи ўринга, берилган патентларни тижоратлаштириш бўйича эса иккинчи ўринга чиқишини таъминлаб берди¹⁸.

Субъектларнинг қайд этиб ўтилган мувафаккиятлари “Дэдук”нинг ташкилий ва концептуал жиҳатдан юқори технологик ишлаб чиқариш кластерлари жойлаштириладиган зоналар функциясидан узоқлашиши ва мамлакатнинг илмий-техник ва интеллектуал салоҳияти концентрациялашадиган географик марказ сифатида шаклланиши

¹⁶ <http://ww.ddi.or.kr>

¹⁷ Hong S. Et al. The impact Daejeon city knowledge network//ISUJ N.14 (1), 2010. p. 39

¹⁸ A return to prominence and the emergence of a new world order. Innovations 2010. Boston Consulting group Report. p. 19.

зарурлигини белгилаб берди. Унинг миллий иқтисодий ривожланишдаги ҳамда Корея Республикаси хўжалик амалиёти ва жаҳон тажрибасида саноат сиёсати тизими учун янги, алоҳида аҳамият касб этувчи ролининг ортиши иннополисга олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

“Дэдук” илмий шаҳарчаси базасида сифат жиҳатдан янгидан шаклланган ҳудудий бирлик янги уклад иқтисодиётининг илғор тармоқлари - АКТ, био, нано ва конвеген технологиялар, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза турлари ва энергия манбалари, роботсозликнинг ривожланиши ҳамда ИТТКИни амалга ошириш ва тижоратлаштириш, уларнинг натижаларини глобал миқёсда трансферлашга кўмаклашишга мўлжалланган.

Керакли бўлган меъёри-ҳуқуқий режим ва ультразамонавий инфратузилмага эга бўлган иннополислар, Корея Республикасида кластерларнинг ҳудудий концентрацияси асосида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг институционаллаштирилган тури бўлиб, улар зиммасига интеллектуал сиғимкорлиги юқори бўлган устувор тармоқларда миллий ва хорижий компаниялар учун илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш фаолияти учун хаб вазифасини ўташ, яъни экспериментал лабораториялар ва ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлар ўртасида илғор технологияларни, ахборотни айирбошлаш орқали тижоратлашув марказлари вазифаси юклатилган.

Иннополисларнинг жаҳоннинг йирик инновацион кластерлари, Бутужаҳон Технополислар Ассоциацияси, Халқаро Илмий-саноат парклари ассоциацияси билан глобал миқёсда коопрецион алоқалари, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг венчур механизми, етказиб бериш занжири, таълим ва тадқиқот муассасаларининг интеграциялашувидан келадиган синергетик ва тармоқ самарасининг бир жойга жамланиши, юқори малакали кадрлар (ҳозирда иннополис ҳудудида 33 000 киши яшайди)¹⁹ фаолияти иннополисларни ташкил этишнинг асосий мақсади – билимларни (янгиликларни) қисқа муддатда интенсив жамғариш ва тарқатиш имконини таъминлайди. Иннополисларнинг мана шу хусусияти уларнинг

¹⁹ <http://www.ddi.or.kr>.

кластерлардан ташкилий тузилиши ва тармоқ ихтисослашуви, ўзидан олдинги электротехника саноати рақобатбардошлигини ошириш бўйича ёрдамчи роль белгиланган илмий шаҳарчадан принципиал фарқ қилишини билдиради.

Иннополис “ИТТКИни амалга ошириш – илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва тижоратлаштириш – реинвестициялаш” схемаси бўйича фаолият олиб бориб (3.1.1-чизма.), ўз фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил этади:

- Илғор тармоқларнинг (шу жумладан, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза турлари)инновацион маҳсулотларини индустриализациялаш;
- Венчур тизимининг барқарорлиги ва капиталлашиш даражасини ошириш;
- Глобал миқёсда билимлар алмашинувини интенсивлаштириш учун шарт-шароит яратиш;
- Мамлакатнинг геоиктисодий камари билан яқин атрофда жойлашган марказ шаҳарлар ўртасида кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш.

Бунда кластерлар илмий техник тараққиёт ва технологиялар халқаро ҳаракатига қўшилганлик даражасининг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда 2015 йилга бориб жаҳоннинг энг йирик инновацион кластерлари қаторига кириш билан боғлиқ вазифани ҳал этиши режалаштирилган. Шу билан боғлиқ ҳолда иннополис ташкил этилганлигининг 10 йиллик даври, яъни унинг халқаро технологик марказлардан бирига айланиш даври уч босқичга ажратилади.

I босқич (2005-07 йй.) олдида иннополис асосини “билимлар иқтисодиёти”га асосланган ҳудудий-ишлаб чиқариш бирлиги сифатида шакллантириш вазифаси қўйилди. Бунда иннополисни янги, истиқболли тармоқларда ИТТКИни амалга ошириш учун зарур инфратузилмани шакллантириш, иннополисни бошқариш тизимини ташкил этиш ва амал қилишининг базавий схемасига мувофиқ барқарор ривожланиш каби етакчи йўналишлар доирасида “билимлар иқтисодиёти” укладининг ҳудудий-ишлаб чиқариш бирлиги сифатида шакллантириш вазифаси белгиланди.

II босқич (2008-10 йй.) “хай-тек” соҳасида етакчилик мавқеига эришиш даври сифатида шакллантирилди. Бу ўз навбатида амалий ихтисослашувга

эга илмий тадқиқот институтлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, илғор тармоқлар конвергенцияси асосида ишлаб чиқаришнинг янги турларини ривожлантиришнинг институционал моделларини амалиётга жорий этиш, тадбиркорлик ва илмий ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва инвестицион муҳитни яратишни тақозо этди.

III босқич (2011-15 йй.) иннополиснинг ИТТКИ натижаларини амалиётда қўллаш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, жалб этиш ва малакасини ошириш орқали тадқиқотчилик-новаторлик фаолияти интеллектуал салоҳиятини кенгайтириш йўли билан жаҳон даражасидаги кластерга айланиш босқичи ҳисобланади. Шунингдек, бу босқич иннополиснинг ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги улуши ва ишчи ўринларини яратишдаги улушини ошириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланши билан тавсифланади.

Ҳозирги кунда иннополис томонидан биринчи икки босқич босиб ўтилган. 2009 йил маълумотларига кўра компаниялар сони 2004 йилга нисбатан 64 тадан 898 тагача ортди, технологиялар трансферти бўйича келишувлар сони 17%га (509 тадан 974 тагача), патентланган ихтиролар 11,7% га (35414 тадан 55154 тагача), субъектларнинг сотиш ҳажми 340%га (23,5 млн. доллардан 112,4 млн. долларгача) ўсди. 2015 йилга қадар иннополисда фаолият олиб борадиган субъектлар сони 2500 тагача, сотиш ҳажми эса 740 млн. долларгача ўсиши кутилмоқда.²⁰

Иннополис молиявий масалалар бўйича саноат паркларини солиққа тортишнинг стандарт имтиёзлар пакети²¹ кўзда тутилган базавий моделга таянса, ҳудудида илмий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун субъектларни танлаш мезонлари бўйича эса бошқа парклардан мақсади ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тизимига кўра тубдан фарқ қилади. Чунки иннополисга ишлаб чиқариш ҳажми 30 млн. доллардан, ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар ҳажми 10 млн. доллардан, ИТТКИ 2

²⁰ <http://ww.ddi.or.kr>

²¹ 5 йилга барча даражадаги ҳукумат солиқларидан ва кейинги 2 йилда миллий солиқлардан озод қилинади, хорижий инвестицияли корхоналар учун эса нисбатан узок муддатли солиқ каникуллари (15 йил давомида 100 фоиз) берилади.

млн. доллардан кам бўлмаган, илмий унвонга эга ходимлар сони 10 тадан кам бўлмаган компанияларгагина рухсат берилади.

Шу билан бир вақтда иннополис жадал суръатларда тараққий этаётган интеллектуал иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ягона шакли эмас. Мисол учун, 2003 йилда яна 2 та тармоқ ихтисослашувига кўра алоҳида мақомга эга «Осонг» биотехнополиси ва «Вонджу» тиббиёт водийси ташкил этилди.

«ОСОНГ» БИОТЕХНОПОЛИСИ. Биотехнополис соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларини биотехнологиялар ва конвергент ишлаб чиқариш асосида ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга мўлжалланган саноат парки ҳисобланади. Бу ерда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, дори-дармонлар ва турли касалликларни даволашнинг янги усулларини клиник тажрибадан ўтказиш, даволовчи биовоситаларни тайёрлаш учун ўта замонавий инфратузилма объеклари мавжуд. Ушбу объектлар биотехнополисга йирик компаниялар, хорижий инвесторлар, дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари ҳамда давлат муассасаларини ҳудудий концентрациялаш ҳисобига синергия самарадорлигини кўшимча ошириш имконини беради. Лойиҳага мувофиқ бу ерда 36 та илмий-тадқиқот институтлари ва дори-дармонлар ҳамда косметик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, 18 та тиббиёт асбоб-ускуналари тайёрловчи компаниялар ва 4 та биоозуқалар тайёрловчи ихтисослашган заводлар жойлаштириш кўзда тутилган.²²

Бу борада биотехнополисни Корея Республикаси саноат парклари концепцияси билан боғлиқлиғи паст даражада қолмоқда. Бир тарафдан биопарклар мамлакатда биотехнологияларни шакллантиришнинг асосий дастакларидан бири сифатида марказлашиб (концентрациялашиб) бормоқда, бошқа тарафдан минтақавий ривожланишни мувозанатлаштириш с мақсадида паркларни пойтахтдан ташқаридаги ҳудудларга тарқатилиши талаб қилинмоқда.

Юқорида келтирилган ёндашув чора-тадбирларини амалга ошириш “Осонг” лойиҳаси учун катта аҳамият касб этади. Чунки биотехнополис

²² Osong Bio-Technopolis. Invest Korea Special issue. 2011. p.3.

Сеулдан 170 км узоқдаги Чжунчжонбук-до ҳудудида жойлашган. Бу ҳудудда ихтисослашган ишлаб чиқаришлар ҳам соноат корхоналари ҳам мавжуд эмас.

Биотехнополисининг таркибини Сеулдан Осонг шаҳрига кўчириб ўтказилган ихтисослашган давлат ташкилотлари, жумладан, Дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича миллий бошқарув, Соғлиқни сақлаш миллий тадқиқот маркази, Касалликлар мониторинги ва профилактика маркази ҳамда мамлакатнинг 54 та биомедицина ва фармацевтика компаниялари, жаҳоннинг йирик фармацевтика компаниялари ваколатхоналари ташкил этади. 2009 йил маълумотларига кўра улар томонидан мос равишда 1,1 млрд. ва 260 млн. доллар миқдорида инвестиция сарфланган.²³

Биотехнополис учун тижорат, молиявий, иқтисодий ва маъмурий марказ сифатида яқин атрофда жойлашган, 100 минг кишига мўлжалланган, уй-жой массивлари, дам олиш масканлари ҳамда қисман илмий-тадқиқот институтлари, ИТТКИ-лабораториялари ва ишлаб чиқариш қувватларига эга Осонг шаҳри танланган. Биотехнополисда қурилиш ишлари 2008 йилдан 2038 йилга қадар давом этади ва инфратузилма объектлари 2012 йилда топширилади. Осонг шаҳри бўйича эса қурилиш ишлари аввалроқ – 2003 йилда бошланган бўлиб, 2020 йилда тугатилиши режалаштирилган. Шуниси эътиборлики, йирик миқёсли қурилиш ишларига умумий лойиҳа қийматининг учдан бир қисми – 4,5 млрд. доллар сарфланиши режалаштирилган, қолган маблағ ИТТКИ ва тадқиқот фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади²⁴.

Биотехнополис фаолиятида кадрлар тайёрлаш масалалари ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш учун база сифатида провинциянинг турли ҳудудларида жойлашган 16 та олий ва ўрта ўқув юртлари хизмат қилади²⁵.

Биотехнопаркларни юқорида келтирилган талаблар асосида ривожлантириш бошқарув органларининг, илмий тадқиқот институтларининг ва хўжалик субъектларининг географик минтақавий

²³ Osong Bio-Technopolis: Korea's first bio cluster. 28.04.2008. <http://www.korea.net>

²⁴ Osong Bio-Technopolis. Invest Korea Special issue. 2011. p.9.

²⁵ Guide to Foreign Direct Investment in Korea. KOTRA Special Report. 2010. p. 22.

концентрациялашувига олиб келади. Бу ҳолат “Осонга”, «Очанг», «Дэдук»лар орасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали ҳудудларни синергияли тараққиётини таъминлайди.

Истиқболда янги технологик укладга эга интеграцион ҳудудий ишлаб чиқариш “камари”ни шакллантириш орқали Корея ҳукумати Осонгони Бостон ва Сингапурдаги каби биотиббий хабга айлантиришни мақсад қилган. Бунда ишлаб чиқариш камарига «Дэгу» эркин иқтисодий ҳудуди субъектларини жалб қилиш режалаштирилган. Чунки «Дэгу» фаолиятида соғлиқни сақлаш муҳим ўрин эгалайди.

«ВОНДЖУ» ТИББИЁТ ВОДИЙСИ. 1998 йилда Вонджу шахрининг маъмурияти ташаббуси билан тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштирилган саноат парки лойиҳаси базасида 2003 йилда ташкил этилган.

Ушбу парк ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бирлигининг янги кўринишида юқори технологик тиббиёт техникасини инновацион ишлаб чиқариш кластери сифатида намоён этади. “Вонджу” тиббиёт водийсининг стратегик мақсади ҳозирга қадар импорт ҳисобидан қопланаётган мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ўта замонавий асбоб-ускуналар ва инвентарлар билан таъминлаш, кейинчалик тиббиёт маҳсулотларини экспорт қилишдан иборат.

«Вонджу» ҳудудига ҳам шу каби кўрсатмалар берилган ва бу ҳудуд учун куйидагилар устунвор вазифа ҳисобланади: медтехникани ишлаб чиқиш ва сертификатлаш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва илғор технологияларни ривожлантириш, синов намуналарини ишлаб чиқариш, клиник синовларни амалга оширишга ҳамр томонлама кўмаклашиш.

«Вонджу»даги миллий тиббий саноат марказини шакллантиришда Германиянинг Тотлингем шаҳри тажрибасидан кенг фойдаланилган. Тотлингемда тиббий техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ва ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тизимили ёндашиш жорий қилинган. Шу билан биргаликда «Вонджу»даги инфратузулманинг олдинги таркиби деярли тўлиқ сақлаб қолинган.

Техноҳудудда клиник синовларни ва илмий тадқиқот ишларини малакали кадрлар билан таъминлашда 5та олий ва ўрта таълим муассасаларидан ва 3та касалхонадан фойдаланилади. Бу ҳудудда интеллектуал салоҳиятини барқарор оширишга ва халқаро тажриба алмашишга катта эътибор қаратилган. Хусусан, «Вонджу»да жаҳоннинг етакчи корхоналари ва илмий тадқиқот институтлари филиалларини очиш, хорижнинг етакчи технологияларини ва ноу-хауларини харид қилишга ҳаракат қилинади.

Ушбу ўхшаш ёндашувлар самарадорлигини “Вонджу” водийсининг жадал суръатларда ривожланиши ҳам тасдиқлайди. Таҳлиллар кўрсатишича, 2006 йилда техноводий ҳудудида ишлаб чиқариш ҳажми 86 млн. долл., экспорт миқдори 60 млн. долл., 1 мингта ишчи ходимлари мавжуд 65 та компания фаолият олиб борган бўлса, 2008 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар 340 млн. долл., 150 млн. долл. ва 2 минг кишини ташкил этди. 2012йилга бориб компаниялар сони 2500 тага, ишчи ходимлар сони эса 25 минг кишига, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми 2 млрд. долларга етиши режалаштирилган.²⁶

“Осонг” сингари ушбу лойиҳа доирасида минтақавий табақалашув муаммоларини қисқартишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда кўпроқ минтақалар иқтисодиётини фаоллаштириш ва уларнинг жадал суръатларда ривожланиши таъминлаш бўйича давлат бюджетидан мақсадли молиялаштириш манбасига эмас, балки ички ўсиш манбаларига таянилади.

Илмий ва ишбилармонлик фаоллиги халқаро камари. Ушбу лойиҳа 2009 йилда таклиф этилган бўлиб, ўз фаолиятига кўра Корея Республикасини фундаментал фанга йўналтирилган глобал тадқиқот, ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик фаоллиги хабиға айлантиришга хизмат қилиши лозим.

Шу билан боғлиқ ҳолда илмий-ишбилармонлик камари қуйидаги вазифаларни ҳал этиши зарур:

- фундаментал фанлар ютуқлари асосида технологияларни ривожлантириш;

²⁶ <http://www.wmit.or.kr>

- истиқболли ишлаб чиқариш ҳаб сифатида тармоқ ва синергетик самараларни максималлаштириш;

- тегишли минтақалар иқтисодий ўсишини фаоллаштириш.

Ўзаро боғлиқ занжир шаклида ташкил этилган илмий шаҳарчалар камари фундаментал фанлар соҳасида ИТТКИни амалга ошириш, уларнинг натижаларин тижоратлаштириш ва иқтисодиётда инновацияларнинг доиравий айланиши таъминлашдан иборат. Агар ушбу камар етарлича самарасиз бўлса, уларни “Дэдук” иннополиси сингари хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш орқали илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларига айлантириш кўзда тутилган. Лойиҳани 7 йил давомида амалга ошириш учун умумий миқдорда 4,7 млрд. доллар ажратилиши режалаштирилган²⁷.

АЭРОКОСМИК ВОДИЙ. Ҳукумат томонидан маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ҳудудларида илмий ва ишбилармонлик фаолияти камари объектларини жойлаштириш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш жараёнида Кёнгсанбук-до порвинцияси маъмуриятининг ёпиқ Ёнгчон ҳарбий шаҳарчасида 2010-2015 йилларда 350 млн. доллар инвестиция қилиниши режалаштирилган “аэротехнологиялар водийси”ни ташкил этиш ҳақидаги аризаси реал даъвогарлардан бири ҳисобланади.²⁸ Бу ерда авиация саноати учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, учувчи аппаратларнинг янги моделларини тайёрлаш ва ҳаво кемаларини таъмирлаш кўзда тутилган.

Кёнгсанбук-дода 11- ва 16-ҳаво дивизиялари ва Корея Республикаси Ҳарбий ҳаво кучларининг логистика бўйича Бош Қўмондонлигининг жойлашуви, Поханг шаҳрида пўлат қуйиш саноати корхоналари, “Дэгу” ЭИХ ва “Дэдук” иннополисида АКТ, электроника ва электротехника тармоқлари, халқаро ва миллий аэропортларнинг тармоғининг мавжудлиги аэроводийни бир томондан, унинг маҳсулотларига нисбатан доимий талабни яратади ва хомашё ва материалларга бўлган эҳтиёжни барқарор таъминлаш имконини таъминласа, иккинчи томондан, ушбу ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ихтисослаштирилган бирлиги мувафаққиятини


²⁷ South Korea picks sites for \$4.7 bn science belt. Korea Focus. 6.5.2011.

²⁸ Aero Techno Valley to be created in Gyeongsangbuk-do. Korea IT Times. 24.8.2010.

таъминлашнинг базавий шарт-шароити ҳисобланади. Ушбу аэроводий юқорида қайд этилган илмий-техник ва саноат сиёсатини амалга ошириш билан биргаликда мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва миллатнинг обрўсини ошириш масалаларини ҳам ҳал этишга хизмат қилади.

Демак, Корея Республикасида интеллектуал технологияларни ривожлантириш мақсадида миллий иқтисоджиётни молиялаштириш тизими сифатини ошириш билан биргаликда ихтисослашган технополисларни, техноводийларни, иннополисларни ва илмий шаҳарларни ривожлантириш керак. Шу билан биргаликда мамлакатнинг инновацион ривожланишида ишлаб чиқаришнинг кластеризацияси ва интеграцияси тизимли тус олганлиги намоён бўлмоқда. Махсус илмий-технологик ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши Корея иқтисодиётининг ҳамма тармоқларида илмий тадқиқот ва тажрибали конструкторлик ишларининг натижаларини кенг қўлланилиши учун шарт-шароит яратмоқда.

2.1-чизма. “Дэдук” иннополисида ресурсларнинг доиравий айланиши



3 БОБ. XXI АСР БОШЛАРИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ

ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Корея Республикаси иқтисодий тараққиётига таъсири ва уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар

Корея ўзининг ривожланиш даврида иккита йирик молиявий инқирозни бошидан кечирган. 1997 йилда Тайланда авж олган Осиё молиявий инқирози Корея иқтисодиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Инқироз Корея фонд бозорининг ағдарилиши, бунинг натижасида эса бир қанча йирик компаниялар касодга учраши билан бошланган. Халқаро банклар Осиё минтақаси мамлакатларига кредит линияларини қисқартира бошлади, натижада узоқ муддатли кредитларга асосланган корейс корпорациялари қисқа муддатли қарздорликни молиялаштириш муаммоси вужудга келди. Ўз навбатида хорижий банклар мамлакатдан пулларини олиб чиқишни бошладилар, валюта резервлари кескин камайди. Шунингдек, корхона ва банкларнинг молиявий тизимининг сустиги инқирознинг ички сабабларидан биридир.

Молиявий инқироз мамлакат иқтисодиётига каттик зарба бўлди: ЯИМ 6,7% га қисқарди, кўплаб корхоналар касодга учради, ишсизлик кўрсаткичи кескин ўсди, иш ҳақи пасайди, қисқа муддатли фоиз ставкалари бир ойда 15дан 35-50%гача кўтарилди.

Авж олган молиявий инқироз мамлакат банк секторини такомиллаштириш режасига жиддий ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлди. Чуқур ислохатлар мақсадлари сифатида ҳукумат банклар, фонд уйлари ва суғурта компанияларининг фаолиятини чеклашни бекор қилиб, бу институтлар ўртасида рақобатни рағбатлантирган ҳолда, халқаро доирада рақобатбардош бўла оладиган молиявий секторни шакллантиришга, хорижий капитални жалб қилиш назоратини юмшатиш ва йирик концернларни кредитлаш янги меъёрларини ўрнатишлардан иборат бўлган.

1998 йил февраль ойига қадар Жанубий Корея молиявий институтларнинг оммавий касодга учрашини олдини олиб келишига қарамай

1997йил якунларидаги маълумотларга кўра Корея Республикасида 14та тижорат банклари ўз фаолиятларини тўхтатган.

Инқироз олдини олиш мақсадида 1997йилда ҳукумат тижорат банкларига шошилиш молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсатини ишлаб чиқди. Хорижий капитални жалб қилиш мақсадида биржада мавжуд компанияларнинг, шунингдек норезидентларга ҳам тегишли бўлган компаниялар ҳам, акционерлик лимитининг 22-26%гача ошиши тўғрисида эълон қилди. Лекин шу билан бирга давлат компанияларидаги норезидентлар улуши 18%гача чекланиб қўйилган эди. 1998йил майида ҳукумат касодга учраётган банкларни қайта молиялаштириш ва уларнинг 118трлн вон(82млрд АҚШ доллари) миқдордаги қарзларини сотиб олишини эълон қилди. Бу чора эса деярли банк секторининг катта қисмини миллийлаштириш ва тижорат банкларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш эди. Бу режага асосан банкларга капитал давлат облигациялари сифатида берилган. 50трлн. вон миқдордаги облигациялар эмитентари сифатида Корея киримларни суғурталаш корпорацияси ва Корея активарини бошқариш корпорациялари иштирок этишган. 1997йил январидан Жанубий Кореяда 1995йил декабрида парламент томонидан қабул қилинган Банк депозитларини суғурталаш тўғрисидаги қонун кучга кирди. Қонунчилик асосида 1996йилда АҚШ депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси намунасидадан Корея депозитларни суғурталаш корпорацияси ташкил қилинган эди. Суғурталаш жараёнига тижорат банклари, хорижий банклар филиалари ва ривожланиш муассасалари жалб қилинган. Шунингдек қонун асосида барча иштирокчи-банклар учун депозитларининг умумий миқдорининг 0.05%дан кўп бўлмаган миқдорда ягона фоиз мукофоти белгиланган. Аммо кейинчалик дифференциялашган суғурта мукофотлари тизими йўлга қўйилди, унга асосан банкларнинг молиявий ҳолати ва таваккалчиликка моиллик даражасига боғлиқ равишда, депозитлар миқдорининг 0.05%дан кўп бўлмаган миқдордаги солиқ мукофоти тўланади. Касодга учраш ҳолати юз берса, суғуртанинг дастлабки қиймати ҳар бир омонатчи учун 20миллион вонни (27минг доллар) ташкил этади. Иштирокчи

банкларнинг мажбурий бадали банк капиталининг 1%дан юқори бўлмаслиги керак.

2008 йилда авж олган жаҳон молиявий инқирози глобал молиявий тизимга таъсир кўрсатди ва занжир реакцияси билан турли мамлакатлар иқтисодиётининг рецессиясига олиб келди. Биринчи навбатда банк тизимлари барқарорликни йўқота бошладилар, кейинчалик ликвидлик инқирози келиб чиқди. Кўплаб корхоналарининг касодга учраши, кредит ташкилотлари ва саноат компанияларининг қўшилиши ва ютилиши натижасида бир қатор инвестиция лойиҳалари тугатилиши, ишчи ўринларининг қисқариши ва хакозо муаммолар келиб чиқа бошлади. Инқироз жаҳон хўжалигининг ташқи иқтисодий алоқалари ўрнатилган барча мамлакатларга таъсир кўрсатди. Корея Республикаси иқтисодиёти 1997йилги инқироздан сўнг янги инқирозга анча тайёр бўлишига қарамай, мамлакат иқтисодиёти учун бу қаттиқ зарба бўлди. 1997йилги Осиё молиявий инқирози таъсири натижасида Корея ҳукумати ХВФдан ёрдам сўрашга мажбур бўлган, шу даврда мамлакатда молиявий, корпоратив, давлат секторларини, ҳамда меҳнат бозорини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилган. Аммо 1997йилги инқироздан олдин мамлакат олтин валюта захираси фақатгина 9 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йил бошига 215млрд АҚШ долларга етди. 2008йилги молиявий инқирозга Корея республикаси анча тайёр эди, мамлакат олтин валюта захираси 240млрд АҚШ долларини ташкил этган.

Жадвал 3.1

Корея Республикаси олтин-валюта захираси млрд. долларда

1997(боши)	2006	2008(боши)	2009(август)
9млрд	215млрд	240млрд	237,51млрд

Аммо инқирознинг кенг миқёслиги Жанубий Кореяни ҳам тезкор равишда инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга мажбур бўлди. 2008 йил ноябрь ойларида мамлакатнинг матбуотларида ёзилишича, молиявий сектор ва кўпчилик тижорат банклари ликвидлик етишмаслиги ҳамда, банклараро кредитлашда қийинчиликларни бошидан кечирганлари

таъкидланган. Мамлакатнинг Kookmin, Woori, Shinhan ва Hana каби энг етакчи банкларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқа бошлаган. Аммо шуни айтиш жоизки, Корея Республикасининг молиявий қонунчилигига асосан Корея банклари кичик бизнесга молиявий ёрдам кўрсатишлари шарт.

Жадвал 3.2

Банкларнинг 2006-2008йилларда даромадлари (соф фойда)²⁹


2006 йил	13,331.7 млрд вон
2007 йил	15,029.0 млрд вон
2008 йил	7,597.3 млрд вон

Банклар даромадларининг қисқариши, ишлаб чиқариш хажми пасайиши билан бир қаторда экспортнинг ва импортнинг умумий хажми ҳам сезиларли қисқарди. 2008 йил июлида инфляция даражасининг кескин ўсиши кузатилди, 10йил ичида биринчи марта инфляция даражаси 6%га етди.

Инфляцияни олдини олиш мақсадида, Корея Банки қайта молиялантириш ставкасини 5%дан 5,25% га оширди ва валюта интервенцияси сиёсатини юрита бошлади. Бу чоралар ўз натижасини бериб, инфляция даражасини пасайтирилишига олиб келди. Шунингдек Корея вонаси курси 4 йил ичида энг паст даражага тушди.


Чизма 3.1

Инфляция даражасининг ўзгариши³⁰



²⁹ Манба: Корея Банки

³⁰ Манба: Миллий Статистика Қўмитаси


Корея вонни курсининг ўзгариши (АҚШ долларига нисбатан)³¹

Воннинг долларга нисбатан курси 2008йил март ойидан бошлаб кадрини йўқолишини номоён қила бошлади. Жаҳон молиявий инқирози туфайли хорижий сармояларнинг камайиши ҳамда жорий ҳисоб дефечити сабабли Корея вонни 2008йил 24ноябрьда 1998йилдан кейин долларга нисбатан энг баланд кўрстакичини, $1\$ = 1,513$ вонга тўғри келди. 2010йил апрель ойи якунида $1\$ = 1,104$ вонга тенг бўлди.

Корея Банки 2008-2009йиллар давомида ўзининг пул-кредит сиёсатини давом эттирган ҳолда, асосий урғуни иқтисодиётни ва молиявий бозорларни барқарорлаштиришга берди. Бу асосида Корея Банки, ўзининг қайта молиялаштириш ставкасини даражисини пасайтириб бориб, энг кичик даражада, яъни 2% да ушлаб турибди.

³¹ Манба: Корея Банки

Корея Банки қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгариши³²




2009йилда молиявий ва иқтисодий шароитларининг яхшиланишига карамай, Корея Банки қайта молиялаштириш ставкасини паст даражада ушлаб туришининг асосий сабаби халқаро иқтисодий шароитларларда ноаниқлик даражаси баландлигидир. Шунингдек, биринчи навбатда, молиявий шароитни барқарор ушлаб туриш хусусий секторни тўлиқ тикланиши учун муҳимдир, чунки ҳалигача ички иқтисодий барқарорлик бюджет харажатлари ошиши ҳисобига давлат сиёсати орқали таъминланмоқда.

Шунингдек, инқироз босими остида акциялар нархи кескин пасайган. 2008йил октябрь ойида Корея фонд бозори индекси (KOSPI) кескин 126,5бандга пасайди ва 938,3кўрсаткични номоён этди. Акциялар нархининг бундай пасайиши, мамлакат молиявий бозорида нотинч вазиятни юзага келтирди: курснинг пасайишига, хорижий портфель инвестициялар келишини қисқариши ва албатта умумий дародаднинг пасайишига сабаб бўлди.

³² Манба: Корея Банки

Инқироз даврида KOSPI ва KOSDAQ индексларининг ўзгариши³³



Молиявий инқирозга қарамай банклар депозитлари ва активлари 2008йилда ҳам ижобий кўрсаткич кўрсатган, аммо соф даромад кўрсаткичи ўтган йилларга нисбатан пасайган. Банкларнинг умумий даромадлари кескин қисқара бошлади. Мисол учун, энг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Коокмин банк 2007йилга нисбатан 28.6% га пасайишни кўрсатди.

2008йил якунларига кўра Корея Банки активлари 312,340млрд вонни ташкил этган, бу ўтган йилга нисбатан 11,120.2 млрд вонга камроқдир. Жанубий Кореянинг олтин валюта захиралари 2009йил август ойида охирги 10 ой ичида энг юқори кўрсаткични намоён қилди- 237,51млрд АҚШ доллари, бу ўз навбатида бир ой олдинги кўрсаткичга нисбатан 5.78 млрд АҚШ долларига кўпдир.

Банкларнинг активлари³⁴




³³ Манба: Корея молиявий назорат тизими ҳисоботи 2009

³⁴ Манба: Корея Банки

Бунинг асосий сабаби сифатида, инвестициялардан келадиган даромадларнинг ўсиши ва хорижий валюта ликвидлигини ошири таъкидланган. Жанубий Корея олтин валюта захирасига Марказий банк, мамлакат молиявий органлари ва халқаро валюта-кредит ташкилотларидаги хорижий валюта захираларини, қарзга олиш махсус ҳуқуқи ва олтин куймалари кирази. 2009йил июль ойида Жанубий Корея валюта захираси миқдори бўйича дунёда Хитой, Япония, Россия, Тайвань ва Ҳиндистондан кейин 6 ўринни эгаллаган.

Чизма 3.6

Баъзи мамлакатлар олтин-валюта захиралари, млрд. долларда



Халқаро иқтисодий шароитдаги ўзгаришлар Корея банк тизимида таъсир кўрсатганига қарамай, ҳозирда мамлакат банк тизимини барқарор деб баҳолаш мумкин.

Жадвал 3.3

Банклар ликвидлиги кўрсаткичи³⁵

	2006	2007	2008
Соф даромад	13.3	15.0	7.6
Активлар рентабиллиги(%)	1.13	1.10	0.47
Хуссий капитал рентабиллиги(%)	14.91	14.60	7.09

³⁵ Манба: Корея молиявий назорат тизими ҳисоботи 2009

Инқирознинг энг авж олган даврида, Халқаро Валюта Фондининг раҳбари Доминик Штраус-Кан Республика Корея тўғрисида қуйдагича баёнот берган:

“ХВФ Жанубий Корея ҳукумати томонидан молиявий қийинчиликларни енгишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, Жанубий Корея банкларининг ташқи қарз олишларига эълон қилинган кафолатлари Корея Республикаси сиёсатини ривожланган мамлакатлар билан яқинлаштиришга хизмат қилади, шунингдек минтақадаги баъзи мамлакатлар билан ҳам, ҳамда маҳаллий долларни молиялаштириш бозоридаги тангликни енгиллаштиришга ёрдам беради.

Жаҳон молиявий шароити бир қанча муддатга ўзгарувчан бўлиб туришига қарамай, Жанубий Корея томонидан қабул қилинган бир қатор чора-тадбирлар Корея молиявий тизимида бўлган ишончини ошириб, йирик валюта захираларини ҳисобга олган ҳолда, барқарор макроиқтисодий асосларини қайтаришга олиб келади. ”

Таҳлил қилинган маълумотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, Корея банк тизими мавжуд иқтисодий ва молиявий шароитларнинг салбий томонга ўзгарганлиги даврида ҳам, баъзи қийинчиликларга қарамай, барқарорликни номоён етиб, ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсат остида, такомиллашишда давом этмоқда. 2008-2009йилардаги моиявий-иқтисодий инқироз туфайли вужудга келган вазият дунёнинг барча ривожлаган мамлакатлари ҳукуматларини инқироздан чиқишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишга барча кучларини сарфлашга мажбур қилди. Бу борада, Корея Республикаси ҳукумати томонидан қўлланилган кучли молиявий захирага, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмини самаралилигига ҳамда инновацион ёндашувга асосланган инқирозга қарши чоралари қизиқиш уйғотади.

2008-2009 йилларда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига Корея Республикаси аввалги инқирозларга нисбатан тайёрланган ҳолда келди. Лекин инқирознинг глобал хусусияти бу мамлакат иқтисодиётида ҳам қисқариш юз беришига олиб келди. Корея Банкининг маълумотларига кўра,

2008 йилда мамлакат ЯИМнинг 2007 йилга нисбатан қисқариши 5,6%ни ташкил этган, 2008 йилда унинг ўсиши 2,2%ни ташкил этди. Инқироз давридаги энг катта ўсиш агросаноат мажмуасига тўғри келди. Истеъмол харажатларининг камайиши юз бериб, айниқса қиммат товарларга бўлган талаб қисқарди. 2009 йилнинг биринчи чораги экспорт ҳажми 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 33,8%га, импорт эса 30,7%га қисқарди. Саноатнинг деярли барча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг қисқаришини кузатиш мумкин. Натижада ишсизлик даражаси ўсди.

Корея фонд бозорида ҳам беқарорлик юз берди, қимматли қоғозларни сотиш уни сотиб олишдан 29,5 млрд.доллардан кўп бўлди. Корея банклари даромадлари деярли 30%га қисқарди. 2008 йилда глобал молиявий инқирознинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган комплекс режа ишлаб чиқилиб, унга кўра жаҳон банк тизими, валюта ва фонд бозорларида юз берган салбий ҳолатнинг таъсирини камайтиришга қаратилган чора тадбирлар қўлланиши кўзда тутилди.

Ўзбекистон ҳамда Корея Республикаларини умум эътироф қилинган коидалар(принциплар) ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган миллий ҳамдўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатлари боғлаб туради. Иккала мамлакат томонидан ҳам, иқтисодий, сиёсий ва маъданий алоқаларни чуқурлаштиришга катта эътибор қаратилади. Корея Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларидан биринчилар қаторида 1991йил 29декабрь куни Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлатдир. 1992йилнинг 29январиди эса мамлакатлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992йилнинг июнида мустақил Ўзбекистон президенти И.А.Каримов Корея Республикасига биринчи бора расмий ташриф буюрди. 1994йилнинг июнь ойида эса Корея Республикаси раҳбари жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Саммитлар давомида имзоланган келишувлар мамлакатар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликларга замин яратди. Мамлакатлар ўртасида барча соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши заминини сиёсий соҳада муаммоларнинг йўқлиги ҳамда келишилган-қонуний асос ташкил этади.

Корея Республикаси Ўзбекистонда бўлаётган бозор ислохотларини ҳамда демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга молиявий-иқтисодий кўмак кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик инвесторлари ва савдо-ҳамкорларидан биридир.

Ўзбекистон ҳамда Корея молиявий институтлари ўртасида ҳамкорлик 1995йилда Ўзбекистон ТИФ Миллий Банкининг Корея “Korea Exchange Bank” билан корреспондентлик алоқаларининг ўрнатилиши билан бошланган. Ҳозирги кунда ЎзРес ТИФ Миллий Банки Кореянинг 14та банклари билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатган. Улардан 8таси «The Banker» журнали версиясига биноан, “дунёнинг энг яхши банклари 1000лиги” га киради:

№	номи	Мамлак атдаги ўрни	Дунёдаг и ўрни	Активлари (млрд. АҚШ долл)	Капитал (млрд. АҚШ долл)
1.	Kookmin Bank	1	56	248,9	16,2
2.	Woori Bank	2	65	266,6	14,4
3.	Shinhan Financial Corp.	3	77	222,5	11
4.	Hana Bank	5	93	134,8	9,2
5.	Industrial Bank of Korea	6	118	130,5	7,1
6.	Korea Exchange Bank	7	119	90,7	7,1
7.	Pusan Bank	11	380	23,3	1,3
8.	Kwangju Bank	12	554	14,9	0,6

Манба: «The Banker» журнали 2008йил июль

Шунингдек:

9. Export-Import Bank of Korea

10. Korea Development Bank

11. National Federation of Fisheries Cooperatives ва Сеулдаги йирик хорижий банклар бўлимлари:

12. Deutsche Bank

13. Oversea Chinese Banking Corp. Limited.

14. Citibank Korea

ЎзР ТИФ Миллий Банкининг савдо операцияларини молиялаштириш бўйича Корея банклари орасидаги асосий ҳамкорлари Hana Bank, Korea Development Bank, Shinhan Bank ва Woori Bank ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ТИФ Миллий Банки томонидан корейлик таъминотчиларнинг иштироки асосида кичик тадбиркорлик соҳасида умумий миқдори 9.8млн АҚШ доллариға тенг бўлган 5та лойиҳа амалга оширилган.³⁶

Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасининг энг йирик инвестицион ҳамкорларидан бири бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётига киритган инвестициялари 2млрд. доллар миқдордан ошиди. Энг йирик лойиҳалари нефтегаз, нефтикимийё, логистика, қурилиш, тоғ руда тармоқларида амалга оширилади. Бунга энг ёрқин мисоллардан бири Навои эркин иқтисодий ҳудудидир. Унда жойлашган континентлараро интермодал логистика маркази МДХда ягона ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, хорижда бу ҳудудга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. 2009йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда инвестицион ҳамкорлик имкониятлари мавзуида конференция бўлиб ўтган. Натижада, умумий 500миллион АҚШ доллари миқдоридаги, 35та инвестицион лойиҳалар тўғрисида келишувлар тузилган. Ҳозирда, “Навои” эркин иқтисодий ҳудудида умумий 187миллион АҚШ доллари миқдоридаги 19та лойиҳа амалга оширилиб, 2010йил иккинчи ярмида кимийё саноати, нефтекимийё, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа тармоқларда ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш бўйича яна 16та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2009йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида, Ўзбекистон билан “Янги ипак Йўли” лойиҳасини таклиф этди. Бу лойиҳани Кореянинг илғор информацион технологиялари билан Ўзбекистоннинг кенг логистик ва темир йўл тармоқларини ишлатган ҳолда амалга ошириш орқали, икки мамлакат юртбошлари иккитомонлама фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириб, узоқ муддатлилигини таъминлаш мақсадини тасдиқлашди. Саммитлар борасида

³⁶ Ўзбекистон ТИФ Миллий Банки маълумотиға кўра

томонлар ўртасида 37 келишувлар имзоланди. Шу билан бирга Ўзбекистон ТИФ Миллий Банки билан Корея Эксим Банки ўртасида хорижий инвесторлар лойиҳаларини молиялаштириш учун умумий миқдори 100млн. АҚШ долл. бўлган кредит линиясини тақдим этиш тўғрисида Меморандум имзоланди.

Корея Ўзбекистонда таълим, автомобилсозлик, текстиль саноати, информацион технологиялар, инфратузилма, қурилиш, нефть ва газ каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратмоқда.

“Кореянинг Газ Корпорацияси” билан ҳамкорлик асосида Жанубий Корея томонидан 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, музокаралар натижасида, Республика Корея ва Республика Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик фонди (EDCF) томонидан 2008-2011 йиллар муддатига имтиёзли қарзлар бериш тўғрисида, альтернатив энергия манбаларини ривожлантириш ва энергияни тежайдиган технологиялар соҳасида, Устюрт газ-кимйё комплекси лойиҳасини қуриш тўғрисида битимлар имзоланди. Охиргисининг қиймати 3миллиард АҚШ долларида юқори баҳоланади.

Шу қаторда, 2009йил 11май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Президенти билан бўлиб ўтган расмий учрашув доирасида, Ислон Каримов ва Ли Мен Бак ўртасида қўшма баёнот имзоланди. Унга асосан, дипломатик паспорт эгалари бўлган фуқаролар учун визасиз кириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Эксим банки ўртасида “В.Вохидов номидаги кардиожарроҳлик марказини замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлаб бўлиш” учун 10миллион АҚШ доллари қийматида иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик фонди томонидан льготалик кредит ажратиш тўғрисида битимлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан саноат комплекслари Корея корпорацияси ўртасида “Навои ” эркин-иқтисодий ҳудудига корейс инвестицияларини жалб қилиш тўғрисидаги Меморандум, “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефть компанияси

ўртасида Фарғона вилоятида инвестицион блок ишлаб чиқиш тўғрисида Меморандум имзоланди.³⁷

2008 йилда икки мамлакат орасидаги савдо ҳажми 63% га ўсди ва 1,4 млрд. долл. ташкил этди. Глобал иқтисодий рецессия туфайли 2009йилда иккитомонлама савдоҳажми озгина камайиб, 1,2млрд. долларни ташкил этди. Мамлакатимизда 351та корейс-ўзбек қўшма корхоналари ва 91 та фирма ва компаниялар ўз ваколатхоналарини очиб фаолият юритмоқдалар.³⁸

Жанубий Кореянинг банк тизимидаги ислохотлари ҳамда банк тизимини янада такомиллаштириш йўналишларидаги банкларни либерализация қилиш, узок муддатли қаримларга имтиёзлар яратиш, тижорат банкларини йирик молиявий гуруҳларга айлантириш, иқтисодиётнинг баъзи тармоқларини янада ривожлантириш учун ихтисослашган банклар фаолиятини йўлга қўйиш, тадбирларини Ўзбекистон мисолида ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланиши мумкин. Шунингдек мамлакатлар ислохотларида баъзи ўхшаш томонлар ҳам мавжуд бўлиб, Кореяда касодга учраган ёки арафасида турган корхоналарга янада имтиёзлар яратиш, уларнинг қаридт муддатлари қўзилиб берилмоқда, ҳозирги кунда республикамизда ҳам тадбирқорликни янада ривожлантириш мақсадида банклар томонидан касодга учраган корхоналарни сотиб олиб уларни соғломлаштириб, қайтадан ишга тушуриш фаолияти ривожланиб бормоқда. Республикамизда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган тизимлардан биридир.

3.2. Ўзбекистондаги Навоий индустриал иқтисодий ҳудудини ташкил этишда Корея Республикасининг ўрни

Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестициялари ва қредитларини жалб қилиш муаммоси ҳозирда иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги, республикани ривожланган индустуриал мамлакатга айлантиришдаги ана шундай муҳим муаммоларни ечиш долзарблигини белгилаб беради.

³⁷http://www.pressservice.uz/#ru/news/show/oficialnyie_vizityi_v_uzbekist/prezident_respubliki_koreya_li_myon_bak/

³⁸ <http://www.press-service.uz>

Ҳозиргача 17 та лойиха бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаш белгиланган бўлиб, шундан Мустақиллик байрамигача 7 тасида қурилиш ва монтаж ишлари тўлиқ тугатилган.

Ушбу лойиҳаларнинг 3тасида маҳсулот ишлаб чиқариш бошланган, жумладан улар томонидан 2010 йилнинг сентябр - декабр ойларида жами 1176,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

“Ўзбекнефтегаз”га қарашли 2 та корхонада :

“Шўртанполиэтиленқувурлари” ШК томонидан 816 миллион сўмлик 254 тонна ёки 116338 п/м полиэтилен қувурлар, шундан 354,6 миллион сўмилик маҳсулот ички бозорда сотилган;

“Шўртанполипропиленқувурлари” ШК томонидан 260 миллион сўмлик 62 минг п/в полиэтилен қувурлари ишлаб чиқарилган.

“Ўзкимёсаноат” ДАК томонидан фойдаланишга топширилган “Навоий-Бюти Космитикс” қўшма корхонасида хориждан келтирилган ярим тайёр хом-ашёдан тажриба сифатида турли ҳажмдаги идишларда 2100 дона крем ва лосьонлар ишлаб чиқарилди.

“Ўзавтосаноат” компанияси томонидан 2 та корхонада :

“Ўзэрайкабел” қўшма корхонаси томонидан 100 миллион сўмлик 18 турдаги (турли ранг ва қувутдаги) 1100 км автомобил симлари ишлаб;

“Ўзминда” қўшма корхонасида ҳам хориждан келтирилган деталлар асосида автомобиллар учун компонентлар йиғиш ўқув амалиётлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги томонидан 1 та :

“Телекоминновейшн” қўшма корхонасига (Сингапур) таъсисчилар томонидан экспериментал ишлаб чиқариш учун 100 дона рангли телесигналлар қабул қилиш ускуналари йиғиш учун келтирилган. Ҳозирда мазкур ускуналар билан ўқув амалиёт ишлари олиб борилмоқда.

“Ўзмарказсаноатэкспорт” компанияси томонидан “Агрофреш” қўшма корхонасида (БАА) 250 тонна турли хил мева (анор,олма ва хурмо) 600 тонна сабзавот (картошка, сабзи) заҳирага олинган.

Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳар аэропорти

баъзасига халқаро ташишлар бўйича интермодал марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди. 2010 йил мобайнида “Korean Air” компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолёти билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8.5 минг тонна юк ташилди³⁹. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

Шунингдек мамлакатимизда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш корхоналари учун айланма маблағларини тўлдиришга ва модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва янги қурилиш лойиҳаларни инвестицион кредитлаш мақсадида 491 миллиард сўм маблағ ажартилди ҳамда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредит – Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 70 % миқдорида яъни 9,8 фоиз қилиб белгиланди⁴⁰.

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди⁴¹.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини изчил йўлга қўйиш учун қуйидаги фикрларни келтириб ўтишимиз лозим;

- Бугунги кунда ушбу маҳсулотларнинг сотилмасдан омборхоналарда сақланиб қолишида асосий сабаб, ЭИИЗ да валюта ҳаракатининг фақатгина ҳудудга тегишли меёрий ҳуқуқий асослари мукамал эмаслиги боис божхона томонидан маҳсулотнинг ички бозорга чиқариш тамойиллари жорий этилмаяпти. Бунинг учун ЭИИЗ да валюта ҳаракатининг фақатгина ҳудудга тегишли меёрий ҳуқуқий асосларини мукамал тарзда яратиш лозим.

³⁹ Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

⁴⁰ И.А.Каримовни «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари., Ўзбекистон-2009 йил.

⁴¹ Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

- кенг иқтисодий спектрдаги қарорларни мустақил қабул қилиш ваколатига эга бўлган, ҳудудни фақатгина ҳудудга тегишли локал бошқарув тизими мавжудлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб биламан;

- марказий давлат ҳокимияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнини мустаҳкамлаш;

- юзага келиши мумкин бўлган рисклар ёки камчиликларни бартараф этиш учун эркин иқтисодий ҳудудга тегишли Республикада алоҳида фонд ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

“Эркин иқтисодий зона” (ЭИЗ) термини жаҳон амалиётида ўтган асрнинг охириги чорагида кенг тарқала бошлади. Ҳозирги кўринишдаги ЭИЗлар 70-йилларда Жануби-шарқий Осиё ҳудудидаги мамлакатларда пайдо бўлган. Тез орада ушбу мамлакатлар юқори даражадаги иқтисодий ўсиш суръатларига эришганлиги ҳисобига “осиё йўлбарслари” деган ном олишди. 1970 йилнинг 1 январида Жанубий Корея дунёда биринчилар қаторида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилган. Ушбу қонунга биноан Жанубий Кореянинг денгиз бўйи ҳудудларида ЭИЗ ташкил этилиб унинг асосий вазифалари хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспортни кўпайтиришни рағбатлантириш, бандликни ошириш, саноат технологияларини такомиллаштириш, охир натижада, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга эришиш ҳисобланган. Ушбу ЭИЗ “осиё мўъжизаси”нинг етакчиси ҳисобланган, лекин охириги вақтда унинг обрўси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида анча пасайган.

90-йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича жаҳонда етакчи ўринни Хитой эгаллаб, унинг ҳудудида 5 та махсус иқтисодий ҳудудлар муваффақиятли фаолият юритиб, улар 1980 йилда ЭИЗ имтиёзларини олишган. 1990 йилда улар қаторига Шанхайдаги Пудун келиб қўшилди. 90-йилларда у жалб этган инвестициялар ҳажми (25 миллиард АҚШ долл.) 5 та махсус иқтисодий ҳудудларнинг охириги 20 йил давомида жалб этган маблағларидан (22 миллиард АҚШ долл.) кўпдир. Бундан ташқари Хитойнинг 14 шаҳри очик денгиз бўйи ҳудудлари статусини олди. Айнан Хитойнинг шарқий ҳудудларининг денгиз бўйи қирғоқлари эканлиги омили

ушбу ҳудудларни ЭИЗларга бериладиган имтиёзлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида етакчи ўринларни эгаллаш имконини берди. Жами охириги 20 йил давомида Хитой ЭИЗ ҳудудларида 5700 атрофида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ишга туширилди.

Шуни таъкидлаш керакки, эркин божхона иттифоқи (ЭБИ) халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар амалиётида бир неча асрлардан бери фойдаланилмоқда, биринчи “порто-франко”лар эса Ўртаер денгизи қирғоқларида XVI аср охирида пайдо бўлган. 1595 йилда Италияда жойлашган Генуя шаҳрида биринчилардан бўлиб эркин порт статуси эълон қилинган эди. Одесса порт шаҳри 1817 йилдан бери “порто-франко” имтиёзли тартибга эгадир. Ҳозирги кунда жаҳонда 400 дан ортиқ бундай шаҳарлар мавжуд. Европанинг ўзида 130 атрофида ЭБИлар мавжуд. АҚШда эса президент Франклин Рузвельтнинг ҳукумат тепасига келганидан сўнг қабул қилинган махсус қонунга биноан 180 дан ортиқ ЭБИлари ташкил топган, ва улар “ташқи савдо ҳудудлари” номи билан ҳам юритила бошлаган. Ҳозирда АҚШда ЭИЗларнинг умумий сони 300 тага яқинлашган. Уларнинг ичида энг каттаси “Силикон водийси” номли илмий-техник ЭИЗ ҳисобланиб, унда жаҳонда компьютерлар ва бошқа ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқарилишининг 20% ҳажми мужассамлашгандир.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш хўжалик жараёнларини бошқаришни макроиқтисодий даражадан ҳудудий даражага ўтказиш элементларидан бири бўлиб, ўзини-ўзи бошқариш элементларини кучайишига олиб келади. ЭИЗ иқтисодиётни ҳудудий-хўжалик ташкил этиш самарадорлиги таъминлайдиган шакллардан биридир.

Шу билан бирга, ҳам хорижий, ҳам миллий илмий адабиётларда ЭИЗларни иқтисодий потенциали махсус вазифани (ёки вазифалар комплексини) ечишга йўналтирилган миллий ҳудуднинг бир қисми сифатида таърифланади. Бу мамлакат ҳудудининг ўрганилаётган қисмини умумий қатордан чиқаришни тақазо этади. Шу билан бирга, ЭИЗ ҳудудидаги тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқариш кучларини мамлакат

худудида оптимал жойлаштириш, ҳамда уни жаҳон ҳўжалигига интеграциялашувига йўналтирилади.

Жаҳон молиявий инқирози бошлангунга қадар жаҳон иқтисодий маконида мингдан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуд эди. Улардан жаҳон савдо айланмасининг 20%га яқин ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва олиб чиқиб кетилади. ЭИЗлар “шлюз” принципи бўйича амал қилади, улар туфайли миллий товар ва хизматлар жаҳон бозорига чиқади, хорижий маблағлар эса миллий иқтисодиётга келиб қуйилади, ва бунда қабул қилувчи мамлакат – реципиентнинг, ҳамда жаҳон иқтисодиётининг тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва Ўзбекистоннинг катта иқтисодий ва инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги қарорига биноан Навоий вилояти худудида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этилди.

“Навоий” ЭИИЗ хорижий инвесторларга бизнес юритиш учун кенг имкониятларни тавсия этмоқда ва аввал бошиданок бизнесга катта рақобатчилик имтиёзларини беради.

“Навоий” ЭИИЗ жойлашуви – Навоий шаҳри ёнида 564 гектар худудда жойлашган. У Ўзбекистоннинг энг саноатлашган худудида бўлиб, Бухоро ва Самарқандлардан 100-175 км узоқликда жойлашгандир. Шу билан бирга, худуд Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва саноат марказлари билан боғлиқдир.

“Навоий” ЭИИЗ худудида махсус ҳукукий режим амал қилади, буларга солиқ, валюта ва божхона режимлари; кириш, туриш ва чиқиб кетишнинг соддалаштирилган тартиби; ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-норезидентларига меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат олиш киради, шу билан бирга солиқлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича катта имтиёзлар берилган. “Навоий” ЭИИЗнинг амал қилиш муддати 30 йил, лекин ушбу муддат тугаганда уни узайтириш мумкин.

“Навоий” ЭИИЗнинг фаолият юритиши учун чуқур ўйланган ҳуқуқий базани шакллантирилиши уни тез ва самарали ташкил этиш имконини берди. Ўтган даврга қараб дастлабки натижалар тўғрисида тўхталиб ўтса бўлади.

Биринчидан, ЭИИЗнинг ҳудудий жойлашуви аниқланди. Бунда қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- электроэнергия, сув, газ таъминоти объектларига яқинлик,
- аҳоли пунктларига яқинлик,
- “Навоий” ЭИИЗ резидентларининг қулай меҳнат ва кундалик турмушини яратиш учун зарур бўлган мақбул экотизимни мавжудлиги.

Ундан ташқари қурилиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатлар тайёрланди ва қурилиш режаси ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, қуйидаги объектлар қурилди:

ҳалқаро автотрассадан Навоий аэропортигача тўртқаторли автомобиль йўли, темирйўл тармоғи, юқори босимли газ қувури, ичимлик сув таъминоти учун сув қувури. Шу жумладан, аэропорт яқинида 60 ўринлик уч юлдузли меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга қуйидаги объектларни капитал реконструкция қилиш ёки яратиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда: ижтимоий соҳа, транспорт, саноат инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш объектлари, хом ашё базасини ривожлантириш, Навоий ИЭСни модернизациялаш. Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг катта савдо бозорларига яқинлиги унинг жозибадорлиги ва муваффақиятлилигида муҳим омил ҳисобланади.

Моҳиятан ЭИИЗ беш йирик ва жадал ривожланиб бораётган бозорлар марказида жойлашган – булар, МДХ мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ.

Мутахассислар таъкидлашича, бошқа мамлакатларда яратилаётган эркин иқтисодий зоналар, кўп ҳолларда, тор ихтисослашгандир, “Навоий” ЭИИЗда эса ишлаб чиқариш фаолиятининг барча турлари рухсат этилган. Бой минерал хом ашё базаси мавжудлигини эътиборга олган ҳолда корхоналар хом ашёни чуқур қайта ишлашни ва юқори даражадаги қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширишлари

мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, хом ашё ва материалларни ташиш харажатларини кескин қисқартирилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини максимал даражада оптималлаштиради.

“Навоий” ЭИИЗ резидентлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги 44 мамлакат, ва 12 та МДХ мамлакатлари эркин савдо зонасида ўрнатилган савдода мумкин қадар қулайлик яратиш режимини яратиш бўйича битимлар билан кафолатлангандир. МДХ мамлакатлари бозорларига божсиз кириб бориш ҳуқуқининг ўзи ҳар қандай ишлаб чиқаришни яратишга зарурий шароит ҳисобланади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, “Навоий” ЭИИЗ фаолиятини ривожлантириш бўйича барча чора-тадбирлар 2009 йилда 900 миллион АҚШ долл. ҳажмида хорижий инвестицияларни жалб этиш имконини берди. 50 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар доирасида яратилган корхоналарни тўлиқ қувват билан ишлашга ўтиши 1,5 миллиард АҚШ долл. ҳажмдан ортиқ суммага маҳсулот ишлаб чиқаришига олиб келади, уларнинг 1 миллиард АҚШ долл. ҳажмдагиси экспортга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Навоий” ЭИИЗнинг ҳозирги даврдаги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирганлар: “2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди”⁴².

2010 йил давомида 100 та лойиҳа тайёрланиб, улар бўйича инвестицияларнинг ҳажми 5,5 миллиард АҚШ долл. ҳажмдадир. Ушбу

⁴² Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 21.01.2011 й.

лойиҳалар доирасида яратилган ишлаб чиқариш қувватлари 7,5-8 миллиард АҚШ долл. ҳажмдан ортиқ суммага маҳсулот ишлаб чиқариши имконини беради, уларнинг 5 миллиард АҚШ долл. ҳажмдагиси экспортга йўналтирилади.

Ҳозирги кунда Жанубий Корея бизнеси Ўзбекистондаги биринчи эркин индустриал-иқтисодий зонасини яратилишига инвестицияларни сарфлашга астойдил қизиққандир. Буни исботи тариқасида кўпгина Жанубий Кореялик тадбиркорларни “Навоий” ЭИИЗ лойиҳаси билан танишиш ва турлича тадбиркорлик форумларида иштирок этиш учун Ўзбекистонга тез-тез келишини кўрсатиш мумкин. Фақатгина 2009 йил июнь ойининг ўзида ЭИИЗга 100 дан ортиқ Жанубий Кореялик тадбиркорлар келиб кетишди. Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси Ким Ги Мун бошчилигидаги бизнесменлар гуруҳи эса 2009 йилнинг июль ойида ЭИИЗга ташриф буюришди.

Мамлакатга эътиборли делегациялар томонидан ташриф буюрилишининг мақсади “Навоий” ЭИИЗда тақдим этилаётган инвестицион имкониятлар билан танишишдир. Ҳозирги кунга қадар Жанубий Кореянинг компаниялари билан ҳамкорлик тўғрисида бир қатор битимлар имзоланди.

Масалан, “Ўзэлтехсаноат” ассоциацияси «Орион коммьюникейшн» компанияси билан оптик-тола маҳсулоти ишлаб чиқариш, «Дейбанг Фостек» компанияси билан энергия тежайдиган лампаларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва «Донг Сеунг Корея» компанияси билан “Навоий” ЭИИЗда суяқ кристалл мониторларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолаган. Шу билан бирга бошқа ўзбек ва корея компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган.

«Ўрта Осиё Транс» ва «Hanjin Logistics» (Жанубий Корея)⁴³ компанияларининг биргаликдаги фаолияти натижасида «Central Asia Logistics LLC» логистик марказининг қуввати кўпайиб, “Навоий” ЭИИЗ орқали юкларни ташиш салоҳиятини кескин оширди. Логистик марказнинг

⁴³ Hanjin Group opens Navoi Cargo Terminal. <http://eftes.ru/content/hanjin-group-opens-navoi-cargo-terminal>

қуввати йилига юк ташишни 100 минг тоннадан 500 минг тоннагача оширилди, бу эса глобал юк ташиш эҳтиёжларига мос келади.

«T&T Sistemi» (Италия) консорциуми бошчилигида автомобиль ёқилғи аппаратурасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Бир қатор лойиҳалар хитойлик шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. «Байхайхуиминь» компанияси Ўзбекистонда полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Ундан ташқари, «Tian Jin Ring-Top Petroleum Manufacture» хитой компанияси мутахассислари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда нефтгазқазиб олиш ва пармаловчи усқунани ишлаб чиқаришни ташкил этишмоқда. Шу билан бирга хитой компаниялари билан бошқа бир қатор ўзбекистонлик компаниялар ҳам битим имзолашган.

Юқорида қайд этиб ўтилган корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни катта ҳажмларда экспортга, ва шу билан бирга Ўзбекистоннинг ички эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш режалаштирилганлиги, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида зам юқори технологик парчалар ва ярим тайёр маҳсулотларни қўллаш имконини яратади ва саноатнинг инновацион тарақиётини жаддалаштиришга маълум ҳиссасини қўшади.

“Навоий” ЭИИЗнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – трансмиллий мультимодал логистика маркази бўлиб, у МДХ ҳудудида ягона бўлиб, Навоий хаби орқали Жануби-Шарқий Осиё ҳудудидан Жанубий ва Шимолий Америкага халқаро авиаюк ташишлар масофасини уч баробар қисқартириш имконини берди, ҳамда Афғонистонга гуманитар юкларни етказишни енгиллаштиради. Бу ерда юкларни қайта ишлаш, уларни дистрибуцияси ва омборга жойлаштириш оператив амалга оширилади. ЭИИЗ Навоийнинг мультимодал транспорт-логистика марказида, халқаро аэропорт, автомагистрал ва халқаро аҳамиятдаги темирйўл яқинида жойлашгандир. “Навоий” ЭИИЗни яратилиши билан биргаликда Навоий-Учкудук-Нукус темир йўл магистралининг иккинчи изини яқин беш йил ичида яратиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирги вақтда Навоий аэропортини модернизацияси, ва унинг асосида Марказий Осиёда халқаро стандартларга жавоб берадиган Халқаро логистика маркази яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Навоий аэропорти асосидаги ҳаб янги технологиялар билан жиҳозланмоқда, янги қурилган тўрт километрли учиш-қўниш майдончаси ҳозирги кунда Марказий Осиёда энг катта ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ушбу ҳудудида транспорт ҳабини яратилиши, Самарқанд, Бухоро ва Хивадан яқин жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожланишига ҳам ўз ҳисасини қўшади..

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, «Korean Air» авиакомпанияси Сеул-Милан-Сеул маршрути бўйича, орада Навоийда қўниб ўтиш билан, мунтазам ҳаво юк ташиш рейсларини амалга оширишни бошлади.

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси ва Россиянинг “Московия” авиакомпанияси Навоий-Тошкент-Москва маршрути бўйича мунтазам рейсларни ҳам амалга оширишни бошладилар.

“Навоий” ЭИИЗ ҳудудидаги ер участкалари корхоналарга инвестиция фаолиятини амалга ошириш даврига бегараз ёки минимал ижара ҳақи асосида ижарага берилади. Бу эса инвесторларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун ерни сотиб олиш эҳтиёжини ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқаришга қўшимча маблағларни сарфланишини олдини олади.

Инвесторлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида “Навоий” ЭИИЗ корхоналари юқори даражадаги инфратузилма билан таъминланади. “Навоий” ЭИИЗнинг корхоналари транспорт, инженер коммуникациялари, меҳнат ҳавфсизлиги тизими ва логистика мутахассисларини қулай яшаш ва фаолият юритиш тизими каби инфратузилмалар билан таъминлайди.

“Навоий” ЭИИЗнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб юқори технологияли, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунга хорижнинг замонавий юқори унумли ускуналар ва техникасидан,

технологик линиялар ва модулар, инновацион технологиялардан фойдаланиш эвазига эришилиш режалаштирилган.

“Навоий” ЭИИЗда саноатнинг турли соҳалари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини – хом ашёдан тайёр маҳсулотгача – яратиш учун барча имкониятлар ривожлантириб борилмоқда.

“Навоий” ЭИИЗни яратиш концепциядан ва белгиланган устуворликлардан келиб чиқиб “Навоий” ЭИИЗда қуйидаги тармоқ ва йўналишлардаги корхоналар жойлаштирилмоқда:

- электротехник маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- телекоммуникацион ускуналарни ишлаб чиқариш;
- машиносозлик, асбобсозлик корхоналари ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш;
- дори маҳсулотлари ва медицина ускуналарини ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоклаш;
- пластик ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Эркин иқтисодий зоналар Ўзбекистонда технологик тараққиёт марказларига айланиши, ҳамда янги сифатдаги, замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши, юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарувчи сифатида халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиши мўлжаллангандир. Чунки, Навоийда бир неча олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтлари жойлашган ва Ўзбекистонга илмий-техник характердаги ЭИЗ яратиш имконини бергандир.

Илмий-техник характердаги ЭИЗнинг ажралиб турувчи хусусияти шундаки, уларни яратишдан мақсад барча моддий ва меҳнат ресурсларидан янги юқори технологияларни саноатга етказилишини жадаллаштириш, янги иш ўринларини таъминлаш, ҳудудда ва мамлакатда иқтисодиётни диверсификациялаш ҳисобланади. Замонавий адабиётларда бундай турдаги зоналарни технологик парклар, технополис, илмий парклар, технологик марказлар, ишбилармонлик марказлари деб номлашмоқда. Илмий-технологик ЭИЗларни яратишнинг асосий шарти бўлиб ҳудуднинг етарли илмий-техник салоҳиятга эгаллиги ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ЭИЗларнинг кўп ижобий ютуқлари билан бир қаторда, уларни яратиш бўйича муваффақиятсиз уринишлар ҳам бўлган. Масалан, Польша ва Ҳиндистонда яратилган ЭИЗлар самарасиз бўлган. Бунинг асосий сабаблари уларни лойиҳалаштириш босқичидаги ҳисоб-китобларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳисобланади. Энг кенг тарқалган камчиликлар ва ҳисобдаги хатоликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳудуднинг жойлашув жойини нотўғри танлаш;
- базавий инфратузилмага яхши эътибор бермаслик (яъни, алоқа воситалари, автомобиль йўллари, ҳаво йўлларининг етарли даражада ривожлантирмаганлиги; телекоммуникациялар ва электр таъминотининг етарли даражада эмаслиги);
- эркин ҳудуд маъмурияти ва имтиёзли фаолиятини яратишга алоқадор давлат муассасалари (молия вазирлиги, божхона қўмитаси, иқтисодиёт вазирлиги ва бошқалар) ўртасида таалуқли муассасавий алоқалар ўрнатилмаганлиги.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни нейтраллаштириш мақсадида Ўзбекистонда “Навоий” ЭИИЗни ривожлантириш мавжуд рискларни ҳисобга олиш, барча инвестицион лойиҳаларни ҳар томонлама экспертизаси асосида амалга оширилмоқда. ЭИИЗ амал қилишини тартибга солиш механизми ва унинг келажакдаги ривожланиши аниқ белгиланган бўлиши, ҳамда келажакдаги ривожланиш истиқболлари ёки Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуришни ҳисобга олган ҳолда ЭИИЗни ривожланишининг альтернатив вариантларининг асосланганлиги жуда муҳимдир, бунда, албатта, жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгариши, мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини тенглаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

ХУЛОСА

Жануби-Шарқий Осиёни Янги индустриал мамлакатлар орасида Корея Республикаси алоҳида ўринга эга, унинг ҳукумати 1960 йилда радикал иқтисодий ислохотлар дастурини экспортни ва енгил саноатнинг қийин интенсив тармоқларини ривожлантиришга урғу қўйган ҳолда эълон қилган. Корея Республикаси хорижий технологияга кам ҳақ тўланадиган, аммо доимо ўсиб борадиган ишчи кучининг малакасини мослаштиргандан кейин, у енгил саноатдан (тўқимачилик ва пойабзал) эътиборни юқори сифатли маҳсулотлар (электроника, автомобиллар)ни ишлаб чиқаришга қўчириш ҳисобига экспортнинг ўсишига эришди. Бунда Корея Республикасининг ҳукумати макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун кўпгина ҳаракатларни қилди ва энг катта хўжалик қийинчиликлари йилларида пул муоммаласи, инфляция, давлат бюджетининг етишмаслиги давлат назорати остидан чиқмади.

Иқтисодиётнинг соҳавий тузилишини шакллантиришда давлат барча ҳаракатларини экспорт секторини ривожланишига йўналтирди. Ўрта ва узоқ муддатли режалар ва мақсадли дастурлардан марказлаштарилган ҳолда фойдаланиш, хўжалик фаолияти мониторингининг қатъий тизими ва самарасиз корхоналарни шафқатсиз иқтисодий, керак бўлганда маъмурий-буйруқбозлик асосида бракка чиқариш Корея Республикасига қисқа муддатлар ичида кучсиз ривожланиш тўсиғини бартараф қилишга имкон берди.

Иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтишининг республика моделида ҳам шахсий амалиёт ва хориж мамлакатларининг синчиклаб ўрганилган тажрибаси ўз аксини топган.

Масалан, Корея Республикасининг бошланғич макроиқтисодий кўрсаткичлари айрим ўлчамлари бўйича бизнинг республикамиз кўрсаткичларига ўхшаш, бу улар ўртасида солиштирма таҳлилни ўтказишни оқлайди.

Бундан ташқари давлат мустақиллигига эришилган кундан бошлаб ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳам ўз вақтида Корея Республикасида ўтказилган ўша тадбирларга ўхшашдир. Буларни барчаси

бизнинг республикамизни ривожлантириш дастурини амалга оширишда иқтисодий ривожланишнинг Корея Республикаси моделидан асосланган ҳолда ва унумли фойдаланишга имкон беради.

Корея Республикаси ҳукумати ислохотларнинг бошланғич даврида иқтисодиётнинг соҳавий тузилишини шакллантиришда ўзининг барча ҳаракатларини экспорт секторининг ўсишига қаратган. Бундан ташқари, Корея Республикасида мулкчиликнинг барча шакллари умуммиллий назоратга бўйсундирилган, давлат бозор хабарлари асосида фирмалар фаолиятларига тузатишлар киритиш мақсадида аралашган. Барча хўжалик қарорлари умумий мақсадга бўйсундирилган эди. Мамлакатнинг жадал ривожланиши сабабларини айнан пул, молия-кредит, таркибий ва илмий-техник сиёсатни қамраб олган давлат томонидан тартибга солишнинг тизимийлигидан қидириш керак.

Корея Республикасида, Осиёнинг бошқа янги саноатлаштирилган мамлакатларидаги каби, экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсатни танлашда устувор соҳа қуйидаги мезонларга жавоб берган:

Хом ашё импорти қарамлигини камайтириш, умуман саноат ишлаб чиқаришининг ресурсларни талаб қилишини камайтириш кейинги мезон бўлган. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида сифатли соф маҳсулотларнинг ҳажми ва салмоғини оширувчи соҳаларга устувор сифатида қаралган. Масалан, мавжуд соҳанинг жадал ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа секторлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга қўмаклашса, унда ушбу соҳа ҳам устувор бўлиши мумкин бўлган.

Тушунарлики, Ўзбекистон шароитларида жаҳон ижобий тажрибасидан фойдаланиш ҳаммадан аввал республиканинг ўз ривожланиш хусусиятларини иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашишга тайёргарлик даражаси нуқтаи назаридан ҳисобга олишни ва синчиклаб ўрганишни талаб қилади.

Республика иқтисодиёти, юқорида таъкидланганидек бозор муносабатларига халқ хўжалигининг деформацияланган тузилиши билан кирган. Иқтисодиётда таркибий номуносибликларнинг учта асосий кўриниши вужудга келган: технология, соҳавий ва иқтисодий механизмдаги

номутаносибликлар биргаликда меҳнатнинг халқаро тақсимоотида самарали иштирок этишида номувофик тузилишининг асосий сабаблари бўлган.

Шу муносабат билан қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал қилиш зарур: хом ашё ресурслари ишлаб чиқаришни республикада амалга ошириш, бутловчи буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини бошқа мамлакатлардан келтиришни қисқартириш, иқтисодиётнинг хом-ашёвий йўналтирилганлигини бартараф этиш, бой минерал, хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишланишини ташкил қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш; меҳнат ресурсларининг рационал бандлигини таъминлаш, янги технологиялар, халқнинг тарихий анъаналари ва кўникмаларига жавоб берувчи меҳнатни қўллаш соҳаларини яратиш. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган инвестиция манбаларнинг чекланганлиги шароитларида халқ хўжалигини босқичма-босқич таркибий ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида таркибий сиёсат молиявий инқироздан чиқиш тадбирларини ишлаб чиқиш, бюджетни жамлаб, йўқотилган манбаларини тиклаш, корхоналарнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Таркибий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида иқтисодий ўсиш ва халқнинг фаровонлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Ишлаб чиқариш соҳаларини чуқур техник қайта жиҳозлаш, сифатли рақобатбардош истеъмол молларини ишлаб чиқариш, хусусан қишлоқ хўжалиги пахта, ипак каноп, сабзавот-мева ва узумчилик маҳсулотларининг чуқур қайта ишланишини таъминлаш, енгил саноатда, айниқса кўп меҳнат талаб қиладиган тўлиқ технологик даврани ташкил қилиш таркибий сиёсатнинг муҳим вазифасидир.

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ўстириш ва мустаҳкамлаш - энг асосий ва шунинг билан бирга энг муҳим вазифаларидан биридир. Ушбу вазифанинг ҳал қилиниши фаол экспорт стратегиясини ишлаб чиқишни, экспортнинг янги товар ва географик тузилишини мақсадга мувофиқ шакллантиришни, экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг навларини

кенгайтириш ва рақобатбардошлигини оширишни, халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг илғор шаклларида фойдаланишни талаб қилади.

Бунда республикани экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни, импортни ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан ривожлантириш ҳамда бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликни кенгайтириш ва жаҳон бозорида ўзининг рақобатбардошлигини кучайтириш, республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги стратегик йўналишлардан бири бўлади.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ислохотларни ўтказиш ва инқирозли вазиятларни бартараф этиш тажрибаларидан асосийлари қуйидагилар: Биринчидан, инқирозли вазиятдан чиқиш мавжуд имкониятларни реалистик баҳолаш, йирик мамлакат иқтисодиётида мувофиқлаштирилган силжиш учун олдиндан тегишли шароитлар мажмуасини, яъни бозор инфратузилмасини яратиш зарурлигини тан олишдан иборатдир.

Иккинчидан, инқирозли вазиятдан чиқиш учун нафақат салбий жараёнларни ўз вақтида локализациялаш, балки алоҳида барқарорлаштирувчи даврни киритиш зарур, у аниқ шароитлар ва ислохотларнинг аниқ босқичларини ҳисобга олган ҳолда махсус чораларга нисбатан муваффақиятли фойдаланишга имкон беради.

Учинчидан, шу нарса яққол кўринадики, иқтисодиётни тубдан замонавийлаштиришнинг узоқ муддатли комплекс дастурисиз ва таркибий нотекисликларни бартараф қилмасдан инқирозларни қайтарилишидан, айниқса йирик кўламли ислохотлар ва мамлакатдаги вазиятларни тез ўзгариши шароитларида, бу вазифани бажариш қийиндир.

Тўртинчи хулоса, иқтисодиётга давлат таъсирини барқарорлаштирувчи даврдан иборат. Инқироздан чиқиш ва ривожланиш учун иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, ходимий ва бошқа шароитларни яратиш бўйича тадбирлар мажмуасини амалга ошириш қаттиқ ва етарлича қатъий ижроия ҳукуматига суяниши даркор. Шундай қилиб, янгилик ва эскилик элементларини усталик билан бириктириш, Корея Республикасини ўтиш даврида амалга оширилган сиёсатини ажратиб туради. Бу Ўзбекистонда

иқтисодий ислохотларни бориши учун ҳам хосдир. Бозорга ўтишнинг эволюцион йўлини танлаган бизнинг мамлакатимиз учун бу мамлакатлардаги бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг давлат томонидан тартибга солиниши ва усулларида фойдаланиш тажрибаси жуда муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Монографиялар

1. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади Тошкент 2012.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлатириш йўлида. Тошкент. Ўзбекистон
3. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 56 б.
5. Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.
6. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 21.01.2011 й.
7. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. М.: Юристъ, 2001.
8. Буглай В.Б., Ливенцев Н.Н. Международные экономические отношения. Учебное пособие. Под ред. Н.Н.Ливенцева, М.: «Финансы и статистика», 2001.
9. Грис Т., Леусский А., Лозовский Е. «Мировая экономика» под ред. Тарасевича Л.С., Санкт-Петербург, «Питер», 2001
10. Дадалко В.А. Мировая экономика. Учебное пособие. Мн.: «Ураджай», «Интерпрессервис», 2001.

11. Киреев А. “Международная экономика”. 1 том. Международная микроэкономика. Учебник. М.: Международные отношения, 2-е изд. 2001.
12. Киреев А. “Международная экономика”. 2 том. Международная макроэкономика. Учебник. М.: Международные отношения, 2-е изд. 2001.
13. Кругман П., Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. Учебник. Пер. с англ. под ред. Колесова В.П., М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997.
14. Международные экономические отношения. Под ред. Б.Супруновича . М, 1995.
15. Международные экономические отношения. Учебник для вузов. В.Е.Рыбалкин, Ю.А.Щербанин, Л.В.Балдин и др. Под ред. В.Е.Рыбалкина. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
16. Международные экономические отношения. Учебник для вузов. Под ред. Е.Ф.Жукова. М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2001.
17. Монтес М.Ф., Попов В.В. «Азиатский вирус» или «голландская болезнь». Теория и история валютных кризисов в России и других странах. Перевод с англ. 2-е изд. М.: «Дело», 2001.
18. Семенов К.А. Международные экономические отношения. М.: «Гардарика», 1998.
19. Сергеев Е.Ю. Международные экономические отношения. Курс лекций. М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2000.
20. Государственное регулирование рыночной экономики: Учебник для вузов// Под общ.ред. Кушлина В.И., Волгина Н.А.; ред.кол.: Владимирова А.А. и др. – М.: ОАО НПО «Экономика», 2000 - 210-б
21. Экономика. Учебник. 3-е изд, перераб. и доп. / Под ред.д.э.н., проф. А.С.Булатова. _М.: Юристъ, 2000 - 220-б.
22. Региональная экономика: Учебное пособие. Под ред. М.В.Степанова. – М.: ИНФРА-М, Изд-во Рос.эконом.акад.,2001 – 15 – 16 – б.
23. Пасс К. и др. Большой толковый словарь бизнеса, Русско-английский, англо-русский. - М.: Вече, АСТ, 1998 – 469 – б
24. Самуэльсон П. «Экономика». Т2 – М.: ВНИИСИ, 1992.

- 25.Сергеев Е.Ю. Свободные экономические зоны // Сергеев Е.Ю. Международные экономические отношения. - М., 2000. – 121б.
- 26.”Страны мира” Краткий политико-экономический справочник. М.,1996.
- 27.Хасбулатов Р.И.. «Мировая экономика». М.: «Экономика», 2-томник, 2001.
- 28.Хрестоматия по курсу “Мировая экономика” М., 1995.

2. Илмий мақолалар

- 29.Абатуров В. Мировая экономика после рецессии. Обзор трендов. //Экономическое обозрение, №8-9, 2004, с.62-65.
- 30.Прозоровский А. Модернизаторский авторитаризм в Индонезии и Южной Корее. //МЭиМО, №7, 2004, с.83-92.
- 31.Рашковский Е. Индия: лик цивилизации. //МЭиМО, №3, 2003. с. 66-73.
- 32.Шишков Ю. Внешнеэкономические связи в XX в. - от упадка к глобализации. //МЭиМО, №8, 2001.
- 33.Duerden C. Clustering Excellence. Invest Korea. January-February 2009.
- 34.Hong S. Et al. The impact Daejeon city knowledge network//ISUJ N.14 (1), 2010. p. 39.
- 35.A return to prominence and the emergence of a new world order. Innovations 2010. Boston Consulting group Report. p. 19.
- 36.Osong Bio-Technopolis. Invest Korea Special issue. 2011. p.3.
- 37.Osong Bio-Technopolis. Invest Korea Special issue. 2011. p.9.
- 38.Guide to Foreign Direct Investment in Korea. KOTRA Special Report. 2010. p. 22.
- 39.South Korea picks sites for \$4.7 bn science belt. Korea Focus. 6.5.2011.
- 40.Aero Techno Valley to be created in Gyeongsangbuk-do. Korea IT Times. 24.8.2010.
- 41.World Development Report. 1991/N/Y/^ Oxford University Press? 1991.P4.
- 42.Hanjin Group opens Navoi Cargo Terminal. <http://eftes.ru/content/hanjin-group-opens-navoi-cargo-terminal>

3. Статистик манбалар

43. Годовые отчеты Всемирного банка// 1996-1998, 1998-2000;
44. Годовой отчет за 2002 год. Годовой обзор. Европейский банк реконструкции и развития. 2003. –104 с.
45. World economic outlook : a survey by the staff of the International Monetary Fund. — Washington, DC : International Monetary Fund, 2009. p.73.
46. Regional economic outlook : Asia and Pacific. -- Washington, D.C. : International Monetary Fund, 2009. – (World economic and financial surveys, 0258-7440). P.1.
47. Статистическое обозрение Узбекистана – 2011 г. Ташкент, 2012.

4. Интернет сайтлари

48. www.ifez.go.kr
49. <http://www.kicox.go.kr>
50. <http://www.ddi.or.kr>
51. <http://www.wmit.or.kr>
52. <http://www.infokorea.ru>
53. <http://rosfincom.ru>
54. <http://www.nytimes.com/aponline/2010/01/25/business/AP-AS-SKorea-Economy.html>
55. <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/ks.html>
56. <http://www.press-service.uz>